

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази

**“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси
НУРАЛИЕВ ФАРРУХ БАХРОМ ЎҒЛИНИНГ**

**АҲОЛИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ КЎНИКМАЛАРИНИ
УЗЛУКСИЗ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: С.Маманов

**Илмий маслаҳатчи: У.Тухташева
(ю.ф.н. проф)**

ТОШКЕНТ – 2022

Мундарижа

Кириш	2-8
1-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	9-33
1.1-§. Коррупцияга қарши ўқитишнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари: аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш маданияти.....	9-22
1.2-§. Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши ўқитишнинг жорий ҳолати.....	23-32
2-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚИТИШ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ МОДЕЛЛАРИ	33-65
2.1-§. Коррупцияга қарши ўқитишнинг халқаро стандартлари.....	33-44
2.2-§. Хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши ўқитиш моделлари.....	45-65
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	66-74
Хулоса.....	75-78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79-86
Иловалар.....	87-94

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги ва асосланганлиги.

Биринчидан, давлат органлари ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид жиноятларнинг статистик маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, кейинги йилларда уларнинг сони содир этилган умумий жиноятчилик кўрсаткичида ҳали ҳам салмоқли улушга эга, деган хулосага келишимиз мумкин.

Жумладан, 2021 йил давомида республика бўйича жами 2804 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, уларнинг 16 нафари республика, 241 нафари вилоят ва 2547 нафари туман (шаҳар) миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритган. Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 1741 нафари ўзганинг мулкани ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон - торож қилиш, 269 нафари фирибгарлик, 153 нафари пора олиш, 168 нафари мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, 42 нафари мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш, 41 нафари мансаб сохтакорлиги, 12 нафари пора бериш ва 378 нафари бошқа коррупцияга оид жиноятларни содир этишган. Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 913,7 млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 714,8 млрд. сўми ундирилган¹.

Ушбу кўрсаткичлар содир этилган жиноятлар улушида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ содир этган жиноятлари кўрсаткичи салмоқли эканлигидан далолат беради ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган коррупцион жиноятларнинг содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимларини ошириб бориш лозимлигини тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳисоботларидан (<https://t.me/uzbprokuratura/13179>)

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат хизматчиларини тайёрлаш тизимининг мавжуд эмаслиги коррупцияга оид жиноятларнинг кўплигининг асосий сабабларидан биридир, чунки хизмат вазифаси бевосита коррупцияга қарши курашиш бўлган давлат хизматчилари бу соҳада тўлиқ маълумотга эга эмас.

Учинчидан, ҳар бир соҳанинг ривожланиши биринчи навбатда таълимга боғлиқ ҳисобланади. Коррупциянинг салбий иллатларини ўрганувчи, унга қарши курашиш йўлларини тадқиқ қилувчи, коррупцияга қарши курашиш ваколати берилган органлар ходимларининг, шунингдек кенг жамоатчилик вакилларининг ушбу соҳадаги билимларини ошириб бориш коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали йўлларида бири сифатида қаралади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони асосида 2019 йил 1-августдан бошлаб эксперимент тариқасида айнан олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгилаб қўйилганлиги² мамлакатда кечаётган ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти биринчи навбатда таълимга боғлиқлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, жамиятда коррупцион нигилизм – қонунга ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қадриятларга салбий муносабат билан тавсифланган ҳуқуқий онг ва ижтимоий хулқ-атворнинг (бу ноқонуний коррупцион хатти-ҳаракатларнинг сабабларидан бири бўлиб, амалда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун-қоидаларга бепарволик, қасддан эътибор бермасликда ифодаланади) шаклланишининг олдини олиш мақсадида бутун мамлакат ҳудудида

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон

коррупцияга қарши курашиш, унинг кўринишларига қарши муросасиз муносабатни шакллантириш лозим бўлади.

Юқоридагиларнинг барчасига кўра, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши самарали курашиш ташкил этиш, жамиятда коррупцион ҳолатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат хизматчиларини “ҳалоллик вакцинаси” бўйича эмлаш учун аҳоли ҳамда давла хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб боровчи тизимнинг шакллантирилиши долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириб бориш тизимини жорий қилиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий масалалар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу соҳада ваколатли бўлган таълим муассасалари фаолиятининг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу тадқиқотнинг мақсади аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш тизимини жарий этиш ҳамда ушбу тизимнинг самарали, таъсирчан фаолиятини йўлга қўйиш масалаларини ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат.

Ушбу тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот мақсадида кўзланган натижага эришиш учун тадқиқотнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим бериш тизимининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш;

- аҳоли ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини узлуксиз ошириб бориш тизимини жорий қилишдаги муҳим жиҳатларни тадқиқ қилиш;

- давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш, “Ҳалоллик вакцинаси” тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат хизматчилари учун коррупцияга қарши ўқув курсларини йўлга қўйган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикасида аҳоли ҳамда жамоатчилик вакилларига коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билим берувчи ўқитиш тизимини ташкил этишнинг истиқболлари юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

- давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, мазкур иш ҳуқуқшуносликда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий тайёргарлигини тизимли ўрганишга қаратилган илк уринишлардан биридир. Ҳозирги кунда коррупцияга қарши ўқитиш тизимини жорий қилиш, бу бўйича “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”ни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда. Ушбу ишларни самарали ташкил этиш юзасидан қонунчиликка аҳоли ҳамда мансабдор шахсларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш бўйича аниқ таклифлар киритилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш масалаларини ўрганувчи диссертацияларнинг аксариятида мансабдор шахсларнинг коррупцияга қарши тайёргарлиги масалаларига алоҳида урғу берилмаган. Шунининг илобатига олган ҳолда, мазкур тадқиқотда коррупцияга қарши курашишда

нафақат коррупцияга қарши ўқитишнинг ўрни кўриб чиқилади, балки Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси сифатида амалий қўлланилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётларни таҳлил қилиш. Давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий тайёргарлигининг турли жиҳатлари коррупцияга қарши кураш соҳасидаги кўплаб илмий тадқиқотларнинг предмети ҳисобланади.

Хорижий олимлардан Bardhan P., Menzel, C. Donald, Treisman D., Jon S.T., Vieira J.B., Kim S., Bleker-van Eyk, Sylvie C., Abjorensen N., Алексеевой Ю.С., Доценко Е.А., Толстовой И.А., Качкиной Т.Б., Шедий М.В., Ахметовой Н.А., Гузенко В.Н. ва бошқа кўплаб олимлар коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари, коррупцияга қарши таълимнинг ўрнини, шунингдек коррупцияга қарши курашишда ҳалоллик ролини ошириш борасида тадқиқотларни амалга оширишган.

Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши ўқитиш соҳасидаги тадқиқотлар маҳаллий мутахассислар томонидан ягона, яхлит тадқиқот мавзуси сифатида деярли ўрганилмаган бўлса-да, ушбу соҳанинг айрим жиҳатлари Б.Исмоилов, У.Нигматжанов, Ш.Шухратов, Ш.Қобилов, Ғ.Алимов, Н.Салаев, Б.Хидоятлов, С.Тулаганова, С.Ниезова ва бошқа маҳаллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Тадқиқот усуллари билишнинг умумий илмий усулларига асосланади: тарихий, тизимли-ташкилий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, умумлаштириш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик усуллар, илмий адабиётларни ҳар томонлама ўрганиш, меъёрий материални ҳуқуқий ва аналитик қайта ишлаш; уни шарҳлаш, тизимлаштириш ва таснифлаш, қонунчилик масалаларини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти умумий ва хусусан, давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши таълим масаласини ўрганиш соҳасидаги олимларнинг концептуал қоидаларидан иборат эди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти келгусида илмий фаолиятда, қонун ижодкорлиги фаолиятида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ушбу йўналишдаги қонунчилик нормаларини изоҳлашда қўлланилиши мумкин бўлган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, хусусан, Ўзбекистон учун коррупцияга қарши ўқитишнинг энг мақбул ва самарали ёндашувини танлашдадир. Тадқиқот натижаларидан илмий тадқиқотларда, талабалар билан амалий машғулотларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Нашр. Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши ўқитиш соҳасида амалга оширилган ишлар, ушбу соҳани тартибга солиш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва улардаги нормаларни тадқиқ қилиш ҳамда коррупцияга қарши ўқитиш тизимини самарали йўлга қўйган хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш академиялари фаолиятини ўрганишга бағишланган 3 та илмий мақола аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириб бориш тизимини жорий қилишнинг энг долзарб масалаларига бағишланган.

Иш тузилиши. Диссертация таркибий тузилиши жиҳатидан кириш, учта боб, тўртта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Коррупцияга қарши ўқитишнинг ижтимоий-ҳуқуқий

жиҳатлари: аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш маданияти

Коррупцияга қарши ўқитиш тизимини ташкил этишда, аввало, унинг пайдо бўлиш тарихи, шакллари ўрганилиши лозим. Коррупциянинг пайдо бўлиш тарихига назар ташланса, унинг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз. Кўплаб олимлар уни инсониятнинг давлатларга бирлашиши вақтидан бери мавжуд деб ҳисоблашади. Ҳақиқатдан ҳам, коррупциянинг ўзгармаслиги ва универсаллиги туфайли унинг пайдо бўлиши қадимги асрларга бориб тақалади ва у турли мамлакатларда пайдо бўлган. Жумладан, Қадимги Миср подшоҳлигининг ҳуқуқий институтларида коррупциянинг дастлабки кўриниши учраганлиги тўғрисидаги фикрлар мавжуд.³ Шунингдек, Милоддан аввалги IV асрдаги Қадимги Ҳиндистон ва юнон файласуфларининг кўлөзма ҳужжатларида коррупция кўринишлари ҳақида маълумотлар топилган⁴. Жумладан, милоддан аввалги 320-йилларда, Искандар Зулқарнайн томонидан тайинланган Мисрнинг юнон губернатори Клеоменес ўз мавқеидан фойдаланиб, Мисрдан Грецияга дон етказиб беришни манипуляция қилган ҳолда коррупция содир этганлиги тўғрисидаги маълумотлар бизгача етиб келган⁵.

Ҳозирги кунга келиб, мазкур иллат тобора кенгайиб бориши натижасида жамиятнинг деярли барча қатламларига кириб борди ва одатий

³ Biswas, Asit K.; Tortajada, Cecilia. "[From our ancestors to modern leaders, all do it: the story of corruption](#)". *The Conversation*. Retrieved 2020-05-28.

⁴ Basu, Parikshit K. "[Corruption: A Theoretical perspective and Relevance for Economic Growth](#)". *International Review of Business Research Papers*: 59–68. [CiteSeerX 10.1.1.601.5343](#)

⁵ Кузовков Ю.В. Мировая история коррупции. В 2-х томах. Т. 2 / Кузовков Ю.В. - М.: Аним-Пресс, 2010. - 488 с.

хатти-ҳаракатларга айланди. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, халқаро порахўрлик жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2% ни ташкил қилади⁶, аммо коррупция хулқ-атвори яширин бўлганлиги сабабли унинг иқтисодиётдаги улушини аниқ ҳисоб-китоб қилиш деярли имконсиз. Шундай экан, коррупциянинг улуши ушбу эълон қилинган кўрсаткичдан ҳам юқори бўлиши мумкин.

Мазкур салбий кўрсаткичлар жаҳон ҳамжамияти олдига давлатларнинг ривожланишига, улурнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий юксалишига тўсқинлик қилаётган коррупция деб аталмиш салбий иллатга қарши курашиш, у келтириб чиқараётган салбий оқибатларни юмшатиш, давлат ва жамият ҳаётида содир бўлиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни олдини олиш чораларини кўриш сингари муҳим вазифаларни белгилаб олишни тақозо этиб келмоқда. Албатта, коррупциянинг олдини олишда давлат хизматида ишловчи амалдорларнинг ҳамда аҳолининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириб борилиши муҳим рол ўйнайди. Давлат хизматчиларини ушбу соҳада ўқитиш улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцион ҳаракатлар учун белгиланган жазолар ҳамда чекловлардан уларни хабардор қилиш, аҳолини ушбу соҳада ўқитиш орқали эса улар томонидан коррупцион ҳолат ҳақида хабар бериш, давлат органлари фаолияти устидан кенг жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижасида уларни ушбу иллатга қарши курашишга кенг жалб қилишга хизмат қилади.

Шу сабабдан, халқаро ҳамжамият коррупцияни қарши курашишда ўз олдига уга қарши самарали кураш олиб бориш йўли сифатида давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларида мунтазам равишда

⁶ Biswas, Asit K.; Tortajada, Cecilia. ["From our ancestors to modern leaders, all do it: the story of corruption"](#). *The Conversation*. Retrieved 2020-05-28.

ўқитиш ҳамда аҳолининг ушбу соҳадаги билимларини, ҳуқуқий онги ва маданиятини узлуксиз ошириб бориш тизимини йўлга қўйишни асосий вазифалардан бири сифатида қўйди.

Коррупцияга қарши таълим коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари билан биргаликда катор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенцияси;

1999 йил 4 ноябрдаги “Коррупцияга учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенцияси;

2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Конвенцияси;

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг “Коррупцияга қарши” Конвенциялари ва бошқалар.

Жумладан, **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясида** (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) иштирокчи-давлатларга коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши ўқитишни амалга ошириши лозимлиги тўғрисидаги аниқ тавсиялар берилган. Конвенцияда таъкидланишича, “Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, фуқаро хизматчиларни ва бошқа сайланмайдиган оммавий мансабдор шахсларни бундай шахслар оммавий вазифаларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш талабларига жавоб беришлари мумкин бўлиши учун маърифий ва ўқув дастурларни амалга оширишга кўмаклашадилар ҳамда **коррупция билан ва ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган хатарларни чуқурроқ англашлари мақсадида**

улар ихтисослашган ҳамда мувофиқ тайёргарликдан ўтишларини таъминлайдилар”.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу конвенциясини 2008 йилда, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракатлар режасини⁷ 2010 йилда ратификация қилган. Ушбу халқаро ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар ижроси юзасидан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чоратadbирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида жамиятимиздаги коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлаётганлиги, бу ёвуз балонинг олди олинмаса, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмаслиги, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмаслиги ҳақида тўхталиб ўтди.⁸”

Коррупцияга қарши самарали курашишни ташкил этиш мақсадида 2017 йилнинг 3 январида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 419-сонли Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди ва коррупцияга қарши курашиш фаолияти

⁷ <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N11/376/42/PDF/N1137642.pdf?OpenElement>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <https://www.press.uz/>. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати расмий веб-сайти.

тартибга солиниб, коррупцияга қарши курашишнинг қонуний асоси яратилди.

Мазкур қонун билан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилди:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш,
жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш⁹.

Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, **аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга** ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этиш, **давлат органлари ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириб бориш** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари доирасига кириши белгиланди. Бу борада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилнинг 3 январда 419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

муносабатни шакллантиришда иштирок этиши, оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритиб бориши лозимлиги белгиланди¹⁰.

Ушбу Қонун билан аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириб боришга қаратилган куйидаги вазифалар белгиланди:

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услугий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилнинг 3 январида 419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни амалга ошириш мақсадида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади¹¹.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилиниб, мазкур қарор билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланган. Давлат дастурида *аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида* қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

1. Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилнинг 3 январиди 419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон)

2. Коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш борасида давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги самарадорлигини қуйидаги чора-тадбирлар ёрдамида ошириш:

— коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ижтимоий шериклик механизмларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида келишувлар ва шартномалар тузишни назарда тутадиган механизмлардан кенг фойдаланиш;

— давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ахборот маълумотларини тайёрлаш ва кенг тарқатиш, шу жумладан мавзуга оид видеороликлар яратиш, босма материалларни чоп этиш (плакатлар, рисоалар, буклетлар).

4. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият натижаларини телевидение, радио, босма ва электрон ОАВ орқали, шу жумладан мавзуга бағишланган дастурларни, интервьюларни, муҳокамаларни, пресс-конференцияларни ва бошқа тадбирларни доимий равишда ташкил этиш йўли билан ёритиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Давлат органлари ходимларини, тадбиркорлик субъектларини ва бошқа мақсадли гуруҳларни жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш мавзусида ўқув семинарлари, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

6. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлар мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бўйича махсус ўқув дастурини ишлаб чиқишни ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзуларни янада кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат таълим стандартларига киритиш.

8. Давлат органлари мутахассислари ва таълим муассасалари ўқитувчиларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига коррупцияга қарши курашиш соҳасида махсус ўқув дастурлари ва машғулотларини олиб боришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

9. Коррупцияга қарши курашиш масаласига доир ўқув-методик ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш.

Шу билан бирга, дастурда *давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича* қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

1. Давлат органлари ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини, шу жумладан тренинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўли билан тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Давлат органлари ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш, ушбу соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида таклифлар тайёрлаш.

3. Давлат органлари ходимларининг манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

4. Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шунингдек, дастурда *коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича* қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар тайёрлаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шунингдек, ушбу қарор билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқланган. Низом билан *комиссиянинг асосий вазифалардан бири этиб ҳам аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш белгиланган.*

Умуман олганда, ушбу Давлат дастури билан аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши кураш соҳасидаги билимларини ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш бўйича дастлабки аниқ йўналтирилган мақсад ва вазифалар белгилаб берилди. Қўйилган вазифаларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида мутасадди идораларга аниқ топшириқлар берилган.

Ҳолбуки, буларнинг ўзи билан коррупция ҳолатлари камайиб қолгани йўқ. Жамиятнинг барча қатламлари онгига сингиб олган бу иллат ижтимоий муносабатларнинг деярли ҳар бир соҳасига ёйилиб кетган. Бу масалани ҳал қилиш учун комплекс ёндашув талаб этилади.

Н.Саид-Газиева тўғри таъкидлаганидек, коррупция худди темирдаги занг каби давлат бошқаруви тизимини чиритиши, путур етказиши, давлат хизмати ва давлат хизматчиларига нисбатан салбий муносабатларни вужудга келтириши, ҳокимият нуфузи, давлат лавозимларидаги хизмат обрўсини йўқотишига, ҳозирги амалдорлик кадрлар корпусини тавсифловчи сифат кўрсаткичларининг ёмонлашувига сабаб бўлиши, бинобарин, давлатчилик ғоясига путур етказиши мумкинлиги аён бўлиб қолди¹².

Албатта, жамият онгига сингиб олган коррупция давлат ва жамият ўртасида ижтимоий муносабатларни бузади. В.Худойбердиеванинг таъбирича, коррупция фуқаро ва давлат вакиллари орасидаги маъмурий муносабатлар моҳиятини бузади ва жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради¹³. Унинг илдизлари жамиятнинг бутун қатламига кириб олган бўлади ва шу сабабли коррупцияни бартараф этиш комплекс ёндашувни талаб қилади.

Коррупцияга қарши курашишда энг муҳим жихат – аҳоли ҳамда давлат хизматчилари онгида унга қарши курашиш маданиятини шакллантириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази масъул ходими Ф.Халиков таъбири билан айтганда, ҳуқуқий маданият деганда, жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси ва ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлиши тушунилади. Ҳар бир фуқаро, энг

¹² Саид-Газиева Н. Хавфли иллат. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2009. №1, – б.38

¹³ Худойбердиева В. Давлат бошқарувини такомиллаштиришда коррупцияга қарши кураш омиллари. Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2006, №2. Б.27.

аввало, Конституцияни яхши билиши, ундаги нормаларни ўрганиши, ўзининг ҳуқуқи, бурчи ва мажбуриятларини тўла англаши ва уларни ҳаётда қўллай олиши керак¹⁴.

Ҳақиқатдан ҳам, аҳолининг коррупцияга қарши ҳуқуқий маданиятини ошириш коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бу аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдир. Ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиклиги эса бу соҳадаги сиёсатнинг асосий принципларидандир¹⁵.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилинган бўлиб, мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ

¹⁴ https://minjust.uz/uz/library/human_rights/73392/

¹⁵ https://minjust.uz/uz/library/human_rights/73392/

қоидаларига ҳурмат, миллий кадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган¹⁶.

Аҳоли онгида ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш бевосита коррупцион ҳолатларга ҳам алоқадор бўлиб, коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш ҳам бир қанча муаммоларга дуч келмоқда.

Жумладан улардан бири – *коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ҳамда касбий таълимни амалга оширувчи ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги* ҳисобланади. Аксарият хорижий давлатларда (*масалан, Корея Республикаси, Сингапур, Малайзия, Польша ва ҳоказо*) аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий билимларини оширишга масъул бўлган алоҳида таълим муассалари мавжуд. Баъзи давлатларда коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган томонидан бу вазифа амалга оширилилади. Ўқув жараёнлари аксар ҳолда электрон таълим платформаси орқали онлайн тарзда олиб борилади. (Батафсил бу ҳақда ушбу диссертациянинг II бобида баён этилади)

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислохотлар аҳолини барча қатламига нисбатан эмас, муайян соҳа вакилларига нисбатан кўлланилмоқда. “Коррупциясиз соҳа” тамойили асосида дастлаб таълим соҳаси, сўнгра соғлиқни сақлаш соҳаси ва бошқа соҳалар учун ихтисослаштиришган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бу эса, коррупцияга қарши курашиш бўйича ягона ёндашув зарурлигини тақазо қилиб келмоқда. Шу сабабли,

¹⁶ <https://samarqand.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=35435>

коррупцияга қарши кураши бўйича чора-тадбирларни муайян соҳалар доираси учун босқичма-босқич жорий қилиш ўрнига, барча соҳаларга бирдек тааллуқли бўладиган, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам қиладиган чора-тадбирлар режаси амалиётга татбиқ қилинишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, коррупция иллатларини жамиятдан бутунлай суғириб ташлашда кенг жамоатчилик кўмагидан самарали фойдаланишни ташкил этилмаганлиги ҳам коррупция қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш йўлидаги муҳим омиллардан бири бўлиб турибди. Шу сабабли, ушбу жараёнга жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари, журналистлар ҳамда блогерларни кенг жалб қилишни ташкиллаштириш лозим бўлади. Бундай шахслар томонидан аҳолига етказиладиган контент маълумотлари сафига коррупция зарарли иллат эканлиги тўғрисида, унинг олдини олишда ҳар бир фуқаронинг ташаббускорлиги муҳим эканлиги тўғрисида, шунингдек коррупция ҳолатларини содир этган шахсларга қўлланиладиган ҳуқуқий жазо чоралари ҳақидаги маълумотлар сингдирилиши лозим.

1.2-§. Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши ўқитишнинг жорий ҳолати

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳаси билан боғлиқ бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур Қонун билан таълим билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган¹⁷. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари эса Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади¹⁸.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасида аҳолини коррупцияга қарши ўқитиш тизимини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган.

Шу сабабли, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилиши негизида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган бир қанча тизимли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ушбу ёўналишдаги дастлабки муҳим ҳужжатлардан бири бўлган. Ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги №637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., № 03/20/637/1313

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги №419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 г., № 2, ст. 47

янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида бири сифатида коррупцияга қарши ўқитишни жорий этишга, аниқроғи, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этишга алоҳида эътиборли бўлган.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилиши, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилиниши назарда тутилган.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилиши эътироф этиб ўтилган.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланиб, унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 6013-сонли Фармони қабул қилинди ва ушбу Фармонда ҳам коррупцияга

қарши қурашишнинг устувор вазифалари белгилаб берилди. Амалга оширилган ислохотлар коррупциявий жиноятларнинг содир этилиш динамикасига муайян даражада таъсир қилди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги томонидан ўтказилган пора олиш билан боғлиқ жиноятлар таҳлили шуни кўрсатдики, пора олиш (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси) коррупциявий жиноятлар орасидаги энг оғир ва ижтимоий хавфлилиги юқори бўлган жиноятлардан бири бўлишига қарамай, сўнгги йилларда ушбу жиноят сонининг камайишига эришилмоқда. Масалан, 2019 йилда 177 та, 2020 йилда 161 та, 2021 йилда 91 та пора олиш жинояти содир этилган бўлиб, пора олиш жинояти охириги уч йилда деярли 50 фоизга камайган.

Ёки бўлмаса, жорий йилнинг ўтган 5 оyi давомида 17 та пора олиш жинояти содир этилган бўлиб, бу ўтган 2021 йилнинг 5 ойига нисбатан (2021 йилнинг 5 ойида 57 тага пора олиш жинояти содир этилган) 40 тага кам ҳисобланади.

Мисол учун, 2020 йилда 118 та оғир (ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми), 13 та ўта оғир (ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми) даражадаги пора олиш жиноятлари, 2021 йилда эса 62 та оғир, 6 та ўта оғир даражадаги пора олиш жиноятлари содир этилган. Кўриш мумкинки, 2021 йилда оғир даражадаги пора олиш жинояти 56 тага, ўта оғир даражадаги пора олиш жинояти 7 тага камайишига эришилган.

2021 йилда содир этилган пора олиш билан боғлиқ жиноятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилда Республика бўйича 91 та пора олиш жиноятлари содир этилган бўлиб, 91 нафар шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси билан жиноят ишлари қўзғатилган¹⁹.

¹⁹ <https://anticorruption.uz/uzc/item/2022/06/20/korruptsiyaga-qarshi-kurashish-agentligi-tomonidan-otkazilgan-pora-olish-bilan-bogliq-zhinoyatlar-tahlili-yuzasidan-brifing>

Мансабдор шахслар томонидан коррупцион жиноятлар содир этилиши уларни коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда қилиб шакллантириш вазифасини келтириб чиқармоқда. Бу билан эса улар томонидан содир этиладиган коррупцион жиноятларнинг содир этилишини олдини олиш асосий мақсад сифатида кўзланган. Шу боисдан, навбатдаги кадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури”да бу вазифа белгиланди. Жумладан, давлат дастурининг 38-бандида давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура Академиясига 2022 йил 1 январига қадар Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиаллари негизида «халоллик вакцинаси» тамойили асосида давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда мунтазам равишда ўқитиш тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди²⁰.

Ўзи умуман олганда, давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишда давлат хизмати, давлат хизматчиларининг одоб ахлоқ кодекслари тўғрисида қонун ҳужжатларини қабул қилиш муҳим ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда, хусусан *Сингапур, Буюк Британия, Германия, АҚШ* каби ривожланган мамлакатларда “Давлат хизмати тўғрисида” ги, “Давлат хизматида жамоатчилик назорати тўғрисида” ги Қонунлар ҳамда давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, шунингдек судьяларнинг хатти-ҳаракат

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/5495529>)

меъёрларини тартибга солувчи Ахлоқ кодекслари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам узок вақт давом этган муҳокамалар, билдирилган таклифлар натижасида “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди.

Ушбу Қонуннинг принципиал жиҳатдан ижобий томони шундаки, унда давлат фуқаролик хизматига қабул қилишдан тортиб, ишдан бўшатишгача бўлган барча жараёнларда максимал даражада коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, коррупцияга мойил муносабатларни бартараф этишга доир нормалар ўз аксини топган.

Хусусан, қонунда давлат органлари учун коррупциянинг олдини олиш бўйича махсус чора-тадбирлар, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчисига қатор мажбуриятлар ва чекловлар белгиланмоқда.

Масалан, белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги, беғараз ва холис бўлиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги, қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда ўз даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши, давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши шартлиги каби мажбуриятлар ўрнатилмоқда.

Қонун билан давлат хизматчиларининг фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳоланиши қатъий белгиланмоқда. Коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар давлат фуқаролик хизматига қабул қилинмайди.

Шунингдек, қонунда давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашишга бағишланган алоҳида боб киритилган бўлиб, унда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, жумладан:

▼ давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш;

▼ давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

▼ совға олиш-бериш тартибига оид қоидалар;

▼ манфаатлар тўқнашувига йўл қўмаслик;

▼ коррупция хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган давлат фуқаролик хизматчиларининг мажбурий ротацияси каби коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали превентив механизмлар жорий этилмоқда²¹.

Ҳозирги кундаги коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаси доирасида ҳам амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони асосида 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгиланди²². Давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимига қаратилаётган алоҳида эътибор биринчи навбатда олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш лозим эканлигидан далолат беради²³.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқларидан бирида бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарурлигини, қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса,

²¹ https://t.me/antikor_uzb/1334

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон

²³ <http://mrdi.uz/2021/07/14/олий-таълим-коррупциясиз-соҳа>

ўша ютишини, шунингдек илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтганлиги²⁴ ҳам ушбу фикрларнинг тўғрилигини исботлайди.

Президент фармонида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг қуйи тузилмаларида коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимларини ошириб боришда “коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг амалга оширилишининг муҳим жиҳати шундаки, бундай лойиҳалар доирасида ушбу соҳаларда фаолият юритувчи ходимлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакилларига коррупцияга қарши кураш мавзусида турли хил семинар-тренинглари, давра суҳбатлари, маърифий тадбирлар, ходимлар учун малака ошириш курслари ташкил этилиб келинмоқда ҳамда бу ҳақда ОАВда кенг ёритилмоқда.

Мисол учун, *ўтган давр мобайнида олий таълим муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мавзусида 135 та профилактик тадбир, 1.281 та давра-суҳбати, семинар, маърифий тадбирлар, 380 та танлов ташкил этилиб, уларда 20 минг нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи, 170 минг нафарга яқин талаба ва ёшлар ҳамда 320 нафар маърузачи-тренерлар қамраб олинган*²⁵.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашувидан. <http://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyeev-ilm-fan-namoyandalari-bilan-mulo-ot-ildi-24-05-2019>

²⁵ <https://yuz.uz/news/korruptsiyasiz-soha-loyihasi-qanday-samara-bermoqda>

Ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, ушбу соҳаларда ҳам “коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимларини ошириб бориш йўлида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, божхона органларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга тоқатсизлик позициясини шакллантириш бўйича ўтган давр мобайнида бир қатор тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 27 апрелдаги ПФ-122-сонли Фармони 4-илоvasи билан “Божхона органларини коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш Дастури” қабул қилинган бўлиб, ушбу Дастурнинг 4-илова 26-бандида, аудио-, видеоролик, баннер, плакат ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган божхона ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга тоқатсизлик позициясини шакллантириш бўйича тадбирларни ўтказиш белгиланган. Шу боисдан, Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 16 майдаги “Аҳолининг ва божхона ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини (аудио-, видеоролик, баннер, плакат ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда) юксалтириш, тизимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга тоқатсизлик позициясини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар” Режаси тасдиқланган. Шунга кўра, божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш, тизимда коррупцион ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш, хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида мунтазам равишда **профилактик** тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, ходимлар ҳамда аҳолини божхона соҳасида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатлар, коррупцияга қарши курашиш

соҳасида ҳуқуқий билимларини ошириш борасида 2022 йилнинг ўтган даврида:

- **51 та** умумий йиғилишларда, тезкор мажлисларда ва жамоат учрашувларида ходимлар билан тушунтириш ишлари ўтказилди;
- **210 мартаба** ходимлар билан индивидуал тартибда профилактик тарбиявий ишлар ўтказилди.

Шунингдек, сўнги йилларда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ижроси юзасидан божхона органларида бир қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, коррупцияга ва бошқа салбий иллатларга самарали қарши курашишни ташкил этиш мақсадида, Давлат божхона қўмитасининг **Коррупцияга қарши курашиш сиёсати**, божхона қонун-ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар ва коррупция аломатларини фош этишда **кўмак кўрсатаётган шахсларни рағбатлантириш** ҳамда **манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва уни ҳал этиш** механизмлари ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида профилактик мақсадларда фойдаланиш учун **“Қасамёдга хиёнат”, “Нафс ўпқонида”, “Коррупция ҳалокатга йўл”, “Коррупцияга ўрин йўқ”, “Пора – юзни қилар қора” “Шукрни билмаган ношукрлар”** номли хизматда фойдаланиш ва ички намоёиш учун мўлжалланган ҳужжатли видеофильмлар ва **4 та** ижтимоий роликлар тайёрланиб божхона ходимлари ва уларнинг яқин қариндошларининг эътиборига етказилди.

Шунингдек, антикоррупцион мазмундаги жами 907 дона (119 дона баннерлар, 24 дона инфографикалар, 64 дона буклетлар, 21 дона флаерлар, 464 дона таҳлилий мақолалар ва рисоалар, 76 дона видеороликлар, 75 дона слайдлар ва 64 дона инновацион ахборот-тарғибот) материаллари ишлаб чиқилиб, божхона объектларининг фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларига кўринарли бўлган қисмига жойлаштирилиши таъминланди.

*Оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевиденияда 121 мартаба (64), газетада 70 мартаба (56), радиода 158 мартаба (98) ва интернет тармогида 199 мартаба (134) коррупцияга қарши курашишга бағишланган чиқишлар қилинди*²⁶.

Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини оширишга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга, давлат хизматчиларини адоб-ахлоқ, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш борасидаги малакасини ошириб боришга, уларга “ҳалоллик вакцинаси”ни сингдиришга қаратилган бу каби чора-тадбирлар, шак шубҳасиз, жамиятда коррупциянинг камайишига сабаб бўлмоқда ва ўзида Ўзбекистоннинг бугунги кундаги коррупцияга қарши кураш борасида сиёсатини ўзида акс эттирмоқда.

Шундай бўлишига қарамасдан, **“коррупциясиз соҳа”** ёки **“коррупциясиз ҳудуд”** лоҳиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишларнинг коррупцияни жиловлашдаги муҳим ўрнини инкор этмаган ҳолда, аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қамровли ўқитадиган, ўзида фаол жамоатчилик вакилларини, журналистлар, блогерларни жалб қилган, давлат хизматининг барча қатламларида ишловчи хизматчиларни ўзида қамраб оладиган ягона Коррупцияга қарши ўқитиш тизимини жорий қилиш коррупцияга қарши курашишда катта қадам бўлади ҳамда хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги фаолиятларининг энг самарали усулларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда коррупцияга қарши курашишда Халқаро ҳамжамият олдида сезиларли натижага эришга олиб келади.

²⁶ <https://customs.uz/uz/news/view/8114>

2-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚИТИШ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ МОДЕЛЛАРИ

2.1-§. Коррупцияга қарши ўқитишнинг халқаро стандартлари

Коррупцияга қарши ўқитиш бўйича **БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси тавсиялари** асосида бир неча давлатларда маҳаллий ҳамда хорижий мутахассисларни ушбу соҳа бўйича ўқитишни амалга оширувчи бир нечта таълим дастурлари йўлга қўйиб келинмоқда. БМТнинг ушбу конвенциясида конвенцияга аъзо иштирокчи-давлатларга улардаги оммавий мансабдор шахсларни коррупцияга қарши курашиш, хулқ-атвор қоидалари бўйича, шунингдек ҳалоллик тамойили асосида доимий малакасини ошириб боришни ташкил этиш лозимлиги тўғрисида кўрсатма берилган.

Аmmo коррупцияга қарши курашишда коррупцияга қарши таълимнинг бир қисми сифатида фақатгина давлат хизматчиларининг ўзини эмас, балки аҳолининг ҳам ушбу соҳадаги ҳуқуқий билимларини ошириб бориш лозимлиги кўпгина халқаро ҳужжатларда таъкидланиб келинмоқда. Хусусан, **Европа Кенгашининг Коррупцияга қарши курашишнинг 20 тамойили тўғрисидаги резолюциясининг 1-бандида** *“Коррупциянинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш ва бу борада аҳолининг хабардорлигини ошириш ва ахлоқий хулқ-атворни тарғиб қилиш”*, лозимлиги тўғрисидаги вазифа белгиланган²⁷.

Жаҳон амалиётида коррупцияга қарши таълим концепцияси иккита асосий гуруҳга ажратилади. Булар коррупцияга **қарши умумий таълим** ҳамда **коррупцияга қарши касбий таълим** ҳисобланади.

²⁷ <https://www.coe.int/en/web/portal>

Коррупцияга қарши умумий таълим тури шартли равишда умумий деб аталиб, ҳуқуқшунослар ёки мансабдор шахслар учун мўлжалланган коррупцияга қарши профессионал юқори ихтисослаштирилган таълимдан фарқ қилади. Коррупцияга қарши умумий таълим коррупцияга қарши курашувчи органлар ходимларига эмас, балки аҳоли вакилларига қаратилган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқий хулқ-атворни тарғиб қилишни, муайян хатти-ҳаракатларнинг коррупцион хусусиятини тан олиш кўникмаларини ўргатишни ўз ичига олади. Аммо коррупцияга қарши умумий таълимнинг энг муҳим таркибий қисми бу аҳоли орасида жамоатчилик назоратини ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, коррупцияга қарши таълимнинг вазифаси одамларни фуқаролик одоб-ахлоқ қоидаларига ўргатиш ва зарур ижтимоий фаолият шакли сифатида жамоатчилик назорати ғоясини шакллантиришдан иборат бўлиб, уларсиз давлат ва тадбиркорликнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигининг борасидаги коррупцияга қарши курашиш стандартларини амалга ошириб бўлмайди. Коррупцияга қарши дунёқарашга эга бўлган шахс коррупцияни бир ўзи енгиб чиқа олмаса-да, унинг кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади ва ўзи тасодифан гувоҳи бўлиб қолган коррупцион ҳолатларга кўз юммайди.

Кўпгина коррупцияга қарши таълимни амалга оширувчи муассасаларнинг коррупцияга қарши умумий таълимни амалга оширишдаги асосий усуллари фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ахборот компанияларини ўтказиш, коррупцияга оид тадқиқотларни нашр этиш ва маиший коррупцияга қарши курашиш усуллари бўйича оммавий маърифий тадбирларни ташкил этишдан иборат бўлади²⁸.

²⁸ <https://transparency.org.ru/projects/antikorrupsionnoe-prosveshchenie/antikorrupsionnoe-obrazovanie-v-rossii>

Коррупцияга қарши касбий таълимдан кўзланган мақсад нафақат коррупцияни олдини олишга, балки амалда коррупцияга қарши курашишга ҳам қаратилган бўлади. Коррупцияга қарши кўплаб чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари шуни кўрсатадики, давлат органлари коррупцияга қарши кураш мавзуларида ихтисослашган турли касбдаги малакали кадрларга (рахбарлар, адвокатлар, мансабдор шахслар, прокурорлар, полициячилар) жуда муҳтож. Шу боисдан, **Европа Кенгашининг Коррупцияга қарши курашнинг 20 тамойили тўғрисидаги резолюциясининг 7-бандида** *“Коррупцияга қарши курашиш учун масъул бўлган шахслар ёки органларнинг ихтисослашувини рағбатлантириш ва уларни ўз вазифаларини бажариш учун тегишли воситалар ва ўқитиш билан таъминлаш зарур”*лиги таъкидланган.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш соҳасида мутахассисларга бўлган эҳтиёж нафақат давлат органлари, балки тадбиркорлик субъектлари учун ҳам хос ҳисобланади. Шу сабабли, коррупцияга қарши таълимни амалга оширувчи муассасаларнинг коррупцияга қарши касбий таълимни амалга ошириш борасидаги фаолиятларини академик лойиҳалар ва бизнес таълим каби иккита асосий қисмга бўлиш мумкин²⁹.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини оширишга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга, давлат хизматчиларини адоб-ахлоқ, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш борасидаги малакасини ошириб боришга, уларга “ҳалоллик вакцинаси”ни сингдиришга қаратилган бир қатор концепциялар мавжуд бўлиб, улар асосан жамиятдаги **коррупцион**

²⁹ <https://transparency.org.ru/projects/antikorrupsionnoe-prosveshchenie/antikorrupsionnoe-obrazovanie-v-rossii>

нигилизм муаммосини ҳал қилишда турли хил ёндашувларни ўзида мужассам қилади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро стандартлар жамиятдаги коррупцияга нисбатан нигилизм муаммосини ҳал қилиш учун шартли равишда қуйидаги бешта асосий таълим кўринишларини тавсия қилади:

1. Оммавий таълим. Бу концепция мамлакат аҳолисининг ижтимоий маъқеи, ёши ва бошқа сифатларидан қатъи назар, барча қатламлари учун коррупцияга қарши тайёргарликни назарда тутди. Аксарият ҳолларда коррупцияга қарши таълим эрта ёшдан бошланади, яъни мактабгача таълимдан, кейин мактаб, университет, олий ўқув юртидан кейинги таълим, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. Ушбу ёндашувнинг афзалликлари шундаки, коррупциянинг намоён бўлишига тоқатсизлик инсон шаклланишининг дастлабки босқичида пайдо бўлади ва унга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади. Асосан, бу тушунча **Корея Республикаси, Индонезия, қисман АҚШ, Македония, Латвия, Полша, Австрия, Қувайт** ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган³⁰.

Албатта, коррупцияга қарши курашишда ушбу таълим концепциясининг самараси анча юқори бўлади. Ўзбекистонда ташкил этиладиган коррупцияга қарши ўқитиш тизимида ушбу концепция моделидан фойдаланиш коррупциянинг олди олинishiга анча ҳисса қўшади.

2. Таълим муассасаларидаги маълум бир йўналиш талабалари учун коррупцияга қарши ўқитиш. Ушбу концепция университет талабаларини коррупцияга қарши ўқитишни назарда тутди, чунки айнан шу талабалар келажакда давлат хизматчиси бўлишади.

³⁰ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

Ушбу ёндашувнинг афзаллиги, аввало, шахс шаклланишининг дастлабки босқичида **“коррупцияга қарши иммунитет”**ни шакллантиришидадир. Ушбу даврда шаклланган **“коррупцияга қарши иммунитет”** шахснинг бутун ҳаёти давомида унга ҳамроҳ бўлади. Асосан, бу тушунча **Португалияда** (*Коимбра университетининг юридик факултети, Лиссабон университети, Миллий менежмент институти*), **Австралияда** (*Канберра миллий университети*), **Литвада** (*Вилнюс университетининг юридик факултети, Каунас технология университети*), **Литва ҳарбий академияси**), **Болгария** (*Бургас эркин университети, Миллий ва жаҳон иқтисодиёти университети, Янги Болгария университети*) ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган³¹.

Ушбу ёндашувнинг ҳам афзал жиҳатлари жуда кўп. Ушбу ёндашувнинг Ўзбекистон учун қулайлигини, аввало, Ўзбекистонда бугунги кунда уни амалга ошириш учун шарт-шароитларнинг етарлилигида кўриш мумкин. Мисол учун, бир қатор олий таълим муассасаларида, масалан Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат Иқтисодиёт университети, Бош прокуратура Академияси, ИИБ Академияси каби таълим муассасаларида келгусида коррупцияга қарши курашиш йўналишида ишловчи давлат хизматчиларини ўқитадиган таълим йўналишларини ташкил қилиш мумкин. Бундай жараён аллақачон бошлаб ҳам юборилган. Мисол учун, бугунги кунда ТДЮУ ҳамда Бош прокуратура Академиясида коррупцияга қарши курашиш йўналиши бўйича магистрлар тайёрланиб келинмоқда.

3. Коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган махсус органларда барча давлат хизматчиларини ўқитишга мўлжалланган таълим тизимини йўлга қўйиш концепцияси. Ушбу контсепцияда коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган махсус муассасаларда барча

³¹ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши тайёргарлигига асосий эътибор қаратилган. Давлат хизматчиларини бундай кўринишдаги ўқув курсларига жалб қилишга уларнинг давлат хизматига қабул қилиниши, юқори лавозимга тайинланиши, бошқа асосларга кўра вақти-вақти билан ёки маълум вақтдан кейин аттестациядан ўтказилиши лозимлиги асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу концепция, асосан, **Корея Республикасида** (*Коррупцияга қарши кураш институти (АКТИ) томонидан*), **АҚШда**, **Сербияда** (*Хуқуқ академияси томонидан*), **Эстонияда** (*Аҳоли саводхонлигини ошириш ва ривожлантириш маркази, Эстония фанлар академияси томонидан*) ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган³².

Ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, унда барча давлат хизматчилари коррупция содир этиш хавфи энг юқори бўлган шахслар гуруҳи сифатида коррупцияга қарши ўқитилади. Ўзбекистонда коррупцияга қарши ўқитиш тизимини жорий қилишда давлат хизматчиларини “коррупциясиз соҳа” лойиҳалари асосида гуруҳ доирасида ўқитишдан кейинги босқич сифатида оммавий ўқитишни ташкил этилиши коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада оширади.

4. Давлат хизматчиларининг маълум тоифасини кадрлар малакасини ошириш бўйича идоравий дастурлар доирасида ўқитиш. Ушбу концепция маълум бир идора ёки вазирлик доирасида коррупция хавфи энг юқори бўлган давлат хизматчиларининг маълум бир тоифаси учун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги малака ошириш курсларини назарда тутди. Ушбу турдаги ўқитиш асосан давлат хизматчисининг маълум бир давлат хизматига ишга кирган ёки маълум бир лавозимга тайинланган пайтдан бошлаб, шунингдек, вақти-вақти билан ёки маълум

³² Юқоридаги манбага қаранг.

вақт ўтгандан кейин ўтказиладиган аттестация муддати келган вақтда ўқитишни назарда тутди.

Ушбу концепция, асосан, **Ҳиндистонда** (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун коррупцияга қарши махсус ўқув курслари – Марказий тергов бюроси Академияси томонидан), **Австрияда** (“Коррупцияга қарши кураш ва уни олдини олиш” ўқув курси – Ички ишлар вазирлиги ходимлари учун), **Буюк Британияда** (“Коррупцияга қарши курашиш” – Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ва экспортга жалб қилинган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус семинарлар) **Данияда** (Глобал маслаҳат тармоғи томонидан ишлаб чиқилган Дания Ташқи ишлар вазирлиги учун коррупцияга қарши таълим дастурлари), **Чилида** (Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатик академияси – Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари учун коррупцияга қарши саводхонлик курси) ва бошқа давлатларда кенг тарқалган.³³.

Ушбу ёндашувнинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланувчи ваколатли органлар ходимларини ўқитиш ҳисобланади. Бу ёндашувнинг афзаллиги ресурсларнинг мақсадли сарфланиши ҳисобланади. Бу эса ташкилотчиларга ўқитиш ресурсларини тежаш имконини беради. Шу боисдан, коррупцияга қарши ўқитишнинг энг кам ресурс талаб қиладиган, кам харажатли кўриниши сифатида ушбу ёндашувдан ҳам самарали қўллаш мумкин.

5. Коррупцияга қарши таълимнинг аралаш шакли. Ушбу ёндашув юқорида санаб ўтилган бир нечта ёндашувларнинг элементларини ўзида мужассам қилувчи аралашган ёндашув ҳисобланади.

Албатта, хорижий давлатлар томонидан коррупцияга қарши ўқитишда қўлланилаётган ушбу ёндашувлар коррупцияга қарши курашишда

³³ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

Ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Шу сабабли ушбу ёндашувларнинг ижобий ҳамда Ўзбекистон шароитида самарали, таъсирчан ҳисобланган жиҳатларини миллий коррупцияга қарши ўқитиш тизимимизга имплементация қилиш фойдали бўлади.

Коррупцияга қарши ўқитиш бўйича халқаро ёндашувлар билан танишиб чиқиш баробарида, ҳозирги вақтда коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ўқув дастурларини тақдим этаётган таълим муассасаларининг таълим дастурларини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай халқаро ўқув курслари ўзида коррупцияга қарши таълим учун хос бўлган халқаро стандартларни ўзида мужассам қилади.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ўқув дастурларини тақдим этаётган таълим муассасаларини бир неча меъзонларга кўра гуруҳларга ажратиб кўриб чиқиш мумкин. Улар орасида коррупцияга қарши курашнинг турли йўналишлари бўйича магистрлик даражасини таклиф қилувчи баъзи таниқли ўқув дастурлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда қуйидаги учта халқаро таълим дастури коррупцияга қарши курашиш йўналишида магистрлик даражасини таклиф қилади. Булар:

1. **International Academy of Anti-Corruption** (Laxenburg, Austria) – Халқаро коррупцияга қарши курашиш академияси (Луксенбург, Австрия) Коррупцияга қарши курашиш соҳасида магистрлик даражасини бериш учун ташкил этилган халқаро ўқув дастури бўлиб ҳисобланади³⁴.

2. **University of Portsmouth** – Портсмут университетининг Фирибгарлик ва коррупцияга қарши кураш бўйича магистрлик даражасини бериш учун мўлжалланган ўқув дастури³⁵.

³⁴ <https://www.iaca.int/iaca-programmes/academic-programmes/master-in-anti-corruption-studies.html>

³⁵ <https://www.port.ac.uk/study/courses>

3. **The University of Sussex** (Сассекс университети): Коррупция ва бошқарув йўналишлари бўйича магистрлик даражасини бериш учун мўлжалланган ўқув дастури³⁶.

Қолган халқаро миқёсдаги коррупцияга қарши таълим курслари коррупция билан боғлиқ мавзулар бўйича таълимни амалга оширувчи турли хил таълим курслари бўлиб ҳисобланади. Бундай таълим курслари магистрлик дастурининг бир қисми сифатида маҳорат ва малака ошириш учун қабул қилиниши мумкин. Баъзи курслар фақатгина офлайн тарзда ташкил этилган бўлиб, жисмоний иштирок этишни талаб қилади. Баъзи курслар эса онлайн кўринишидаги ўқув соатларидан ҳам иборат ёки тўлалигича онлайн тарзда амалга оширилади. Онлайн ўқув курсларининг баъзилари мустақил таълимдан иборат. Баъзилари университетлар томонидан таклиф қилинади ва *ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System – Европа кредит ўтказиш ва жамғариш тизими)* балл беради, бошқалари Базел Академияси ёки Берлиндаги U4 каби тегишли ташкилотлар томонидан тақдим этилади. Деярли барча курслар қатнашчиларга келгусида коррупцияга қарши кураш соҳасида ишлаш имкониятини берувчи малака ошириш курсларида иштирок этганлиги тўғрисидаги сертификат тақдим этади. Бундай сертификатларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларсиз ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаб бўлмайди³⁷.

Халқаро коррупцияга қарши курашиш академияси (*International Academy of Anti-Corruption*) коррупцияга қарши таълимни жорий қилган энг нуфузли халқаро таълим масканларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳар йили унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар тайёрланади. Ушбу мутахассислар дунёнинг турли бурчакларидан келиб, мазкур ўқув дастурларида иштирок этишади.

³⁶ <https://www.sussex.ac.uk/study/masters/courses/corruption-and-governance-ma>

³⁷ https://www.unodc.org/documents/centralasia//2020/July/Curriculum_Proposals_03.07.20.pdf

Халқаро коррупцияга қарши курашиш академиясининг *Master's in Anti-Corruption Studies (MACS)* деб аталувчи таълим дастури асосан коррупцияга қарши кураш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган давлат органлари ходимларига мўлжалланган.

Мазкур ходимлар MACS таълим дастурида таълим олиш натижасида касбий фаолиятларини давом эттириб, қуйидагиларни эришишлари мумкин:

- халқаро миқёсда тан олинган Магистр даражасидаги дипломга (120 ECTS кредити билан) эга бўлиши;
- коррупциянинг қандай намоён бўлиши ва унинг афрофдаги ижтимоий мураккабликлари ҳақидаги тушунчаларини ривожлантириши;
- иқтисодиёт, сиёсатшунослик, криминология, хулқ-атвор фанлари, ҳуқуқшунослик, инсон ҳуқуқлари ва комплаенс соҳасидаги мутахассислардан коррупцияга оид тушунчаларни олиши;
- назария ва амалиётни интеграциялашган ҳолда турли контекстларда коррупциянинг турли кўринишларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича кўникмаларини ошириши;
- коррупцияга қарши кураш бўйича, жумладан, уни баҳолаш, унга қарши курашиш сиёсатини шакллантириш;
- коррупцион ҳолатларни тергов қилиш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиши;
- коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро амалиётчилар ва олимлар кўмаги остида академик тадқиқотлар олиб боришингиз мумкин бўлади³⁸.

MACS таълим дастурининг еттита модулидан ҳар бири 14 ECTS (*European Credit Transfer and Accumulation System – Европа кредит ўтказиш ва жамғариш тизими*) кредитини, магистрлик диссертацияси эса 22 кредитни ўз ичига олади. Шундай қилиб, MACS даражаси жами

³⁸ https://www.iaca.int/media/attachments/2019/12/11/macs_general_flyer_aug_2019.pdf

120 ECTS кредит беришга мўлжалланган, бу эса келгусида ушбу йўналишда таянч докторантура (PhD) дастурларига кириш имконини беради. MACS дастури етти модул ва магистрлик диссертациясидан иборат бўлиб, икки ўқув йили давомида ўқитилади³⁹.

Портсмут университети жиноий одил судловга ихтисослашган ва фирибгарлик тадқиқотлари маркази ҳисобланади. Унда асосан фирибгарлик ва коррупцияга қарши кураш йўналишида магистрлик таълим дастурида фирибгарлик ва коррупциянинг кўлами ва табиати ҳамда уларга қарши курашишда қўлланиладиган стратегиялар бўйича жорий тадқиқотларни ўргатилади. Асосий фанлар сифатида криминология, кибержиноятчилик, халқаро фирибгарлик ва коррупция, халқаро ва трансмиллий ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятларни терговни қилиш каби фанлар мутахассисларга ўқитилади. Дастур тўлиқ ёки ярим кунлик бўлиши, ўқув биносида ёки масофавий таълим кўринишларида ўтказилиши мумкин. Ушбу курснинг ҳар бир модулида маълум миқдордаги кредитлар тўпланилади. Курс якуни бўйича эса жами бўлиб 180 кредит тўпланилиши талаб этилади⁴⁰.

Сассекс университети коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурига эга бўлган дунёдаги етакчи таълим масканларидан бири ҳисобланади. Сассекс коррупцияни ўрганиш марказида жойлашган ушбу курс коррупция, коррупцияга қарши курашиш ва бошқарув масалаларини таҳлил қилувчи дунёдаги ягона тўлиқ вақтли магистратура дастури ҳисобланади. Ушбу таълим дастурида ўқиш давомийлиги 1 йил ёки 2 йил бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу курсда онлайн иштирок этиш ҳам мумкин.

Бу курс Буюк Британиядаги коррупция масалаларини ҳал қилувчи ягона тўлиқ кунлик магистратура ҳисобланади. Унда асосан коррупцияни

³⁹ <https://www.iaca.int/iaca-programmes/academic-programmes/master-in-anti-corruption-studies.html>

⁴⁰ https://www.unodc.org/documents/centralasia//2020/July/Curriculum_Proposals_03.07.20.pdf

қандай аниқланиши ва коррупцияга қарши курашишда қандай ёндашувларга эга бўлиш лозимлиги ҳақидаги мураккаб масалалар ўргатилади. Ушбу ўқув дастури давомида партиялар, сиёсатчилар ва давлат хизматчилари томонидан ҳокимиятни мунтазам равишда суиистеъмол қилишдан тортиб, кичик миқёсдаги, майда қонунбузарликларгача бўлган аниқ коррупцион ҳолатларга амалий мисоллар таҳлил қилинади. Мазкур ўқув дастури орқали коррупция нима эканлиги, у қаерда ва нима учун кўпайиб бораётгани ва унга қарши курашиш учун нима қилиш мумкинлиги ҳақида тушунчангизни ривожлантириш мумкин бўлади⁴¹.

⁴¹ <https://www.sussex.ac.uk/study/masters/courses/corruption-and-governance-ma>

2.1-§. Хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши ўқитиш моделлари

Коррупцияга қарши курашишда кўпгина давлатларнинг ўзига хос бўлган моделлари мавжуд. Ушбу моделларда коррупция тушунчаси ва унга қарши курашиш усулларига бўлган ёндашувлар бир-биридан биров фарқ қилади. Биргина мисол, “Коррупцияни енгган” Сингапур етакчиси Ли Куан Ю ўз нутқида “Коррупцияни йўқ қилиш учун юксак ахлоқий тамойиллар, катъий эътиқод ва энг яхши ниятларни тарғиб қилишдан бошлаш осон. Лекин бу эзгу ниятлар асосида яшаш қийин⁴²”, дея таърифлайди. Албатта, ушбу таъриф коррупцияга қарши курашишнинг сингапурча ёндашувига хос бўлиб, бошқа давлатлар тажрибасида коррупцияга нисбатан бошқача ёндашувлар мавжуд.

Қуйида биз Полша, Австрия, Буюк Британия, Дания, Сербия, Эстония, Португалия, АҚШ, Корея Республикаси, Индонезия ва бошқа мамлакатларининг аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш бўйича тажрибаларини, ички қонунчилигини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ижобий тажрибаларини кўриб чиқамиз.

Полша

Полшанинг Коррупцияга қарши марказий бюроси (СВА) тергов ва назорат ваколатларига эга бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. СВАнинг мақсади давлат ва хусусий секторларда, хусусан, давлат институтлари ва маҳаллий ҳукуматларда ва умуман олганда, давлатнинг иқтисодий манфаатларига хавф туғдирадиган ҳар қандай фаолиятда коррупцияга қарши курашишдан иборатдир. Айти пайтда СВА да 1194 нафар офицер ва 166 нафар давлат хизматчиси ишлайди.

⁴² <https://socratify.net/quotes/tag/korruptsiia>

Фирибгарлик ҳолатларини текшириш чоғида аниқланган фирибгарликка қарши тренинга бўлган долзарб эҳтиёж ва тўпланган катта тажрибага асосланиб, СВА фирибгарликка қарши тренингни яратишга сармоя киритишга қарор қилган. *Электрон таълим платформаси* (<https://szkolenia-antykorupcyjne.edu.pl>) Полшадаги биринчи, *оммавий, бенул коррупцияга қарши платформа* бўлиб, унда барча манфаатдор шахслар, хусусан, давлат амалдорлари, тадбиркорлар, талабалар ва ўқувчилар учун коррупцияга қарши ўқув курслари мавжуд.

Ўқув машғулоти энг кенг миқёсдаги қабул қилувчиларга муурожаат қилишга қаратилган бўлиб, коррупция тахдидлари ва коррупцияга қарши кураш ҳақидаги билимларни жамиятнинг барча қатламларига етказишни таъминлайди. Онлайн ўқув курси давлат хизматчилари, котиблар, давлат бошқаруви органлари ва тадбиркорлик субъектларининг коррупцияга оид билимларини оширишга қаратилган. Бунинг учун ўқув курсининг дастури амалий мисоллар билан бойитилиб борилади. Тренинг доирасида иштирокчилар коррупцияга қарши курашда қабул қилиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар билан танишадилар. Иштирокчиларга, шунингдек, давлат харидлари тартиб-қоидаларидан фойдаланишда коррупцияга қарши иш юритиш бўйича тавсиялар каби кўпроқ СВА томонидан тайёрланган мавзуга оид ўқув материаллари тақдим этилади⁴³.

Платформа учта тренингни ўз ичига олади:

Давлат бошқаруви соҳасидаги коррупция – ҳуқуқий ва институционал асослар бўйича асосий маълумотлар ҳамда тизимли ечимлар бўйича 9 та ўқув модулидан иборат;

⁴³ https://ec.europa.eu/antifraud-knowledge-centre/library-good-practices-and-case-studies/good-practices/e-learning-platform-central-anti-corruption_en

Бизнесдаги коррупция – 10 та ўқув дарсида маъмурий ва иқтисодий муҳитга тааллуқли бўлган коррупцион хатти-ҳаракатларга амалий мисоллар келтирилади.

Коррупцияга қарши кураш – коррупцион хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий оқибатлари, уларнинг давлат ва фуқароларга таъсири бўйича 9 та дарс ўтказилди.

Ҳар бир модул 9-10 та дарсдан иборат. Ҳар бир дарсни яқунлаш учун тахминан 45 дақиқа вақт кетади. 3 модулдан иборат бутун курс икки тилда мавжуд: поляк ва инглиз. Ҳар бир дарсда статик матн ва диалоглар, анимацион сахналар, аудио/видео материаллар ва мунозара ва ўзаро таъсирга сабаб бўладиган контент мавжуд. Ҳар бир модул яқуний тест билан яқунланади. Ўқув курси тугаллангач, иштирокчи тренингни тугатганлигини тасдиқловчи сертификат олиши мумкин⁴⁴.

СВА anti-corruption e-learning унинг муваффақияти ва кенг қўлланилишига ҳисса қўшган бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга:

- Электрон таълимга бепул кириш
- 45 дақиқадан бир соатгача бажарилиши мумкин бўлган қисқа тематик модуллардан иборат.
- Давлат хизматчилари учун мос ва Полша ва халқаро тартибга солиш контекстига қаратилган юқори мақсадли ва ихчам контент.
- Электрон таълимнинг поляк ва инглиз версиялари билан халқаро қамров
- Электрон таълим энг сўнгги IT ишланмаларига асосланади.
- Материалларни ўқиш ва тинглаш имконияти (ногиронлар учун махсус фойдаланиш имкониятлари), анимация ва тестлар каби интерфаол воситалардан кенг фойдаланиш билан яхшиланган.

⁴⁴ https://ec.europa.eu/antifraud-knowledge-centre/library-good-practices-and-case-studies/good-practices/e-learning-platform-central-anti-corruption_en

- Курсни тугатгандан сўнг СВА дан сертификат олиш имконияти⁴⁵.

Ушбу таълим платформаси ишга туширилгандан атиги уч ой ўтгач, 4500 киши аллақачон рўйхатдан ўтган (30 ойлик фаолият учун дастлабки мақсад); 12 ойдан сўнг бу кўрсаткич 22 мингга етди.

Электрон таълим платформаси ҳақидаги маълумотларни тарқатиш мақсадида турли тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Дастлаб ОАВга лойиҳа тавсифи билан қисқача эслатма юборилди. Иккинчидан, вазирликлар, бошқа марказий муассасалар ва университетларга ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабаларни курсларда қатнашиш учун таклиф этувчи хатлар юборди. Кўп ўтмай, платформанинг ишга туширилиши ҳақидаги маълумот барча марказий давлат идоралари ва муассасаларига, вилоят идораларига етиб борган. Сўнгра ўқув йили бошланишидан аввал платформа ва курслар ҳақидаги маълумотлар миллий хавфсизлик бўйича маърузалар ўқийдиган университет ректорларига юборилди. Ниҳоят, онлайн тренинг СВА томонидан тақдим этилган тренинг давомида тарғиб қилинди.

СВА онлайн платформанинг инглиз тилидаги версиясини Европадаги коррупцияга қарши кураш органлари ўртасида фаол равишда тарғиб қилди, маълумотни Экспертлар учун Еуропол платформаси, Коррупцияга қарши Европа ҳамкорлари/Коррупцияга қарши Европа тармоғи, ГРЕКО ва бошқа органлар билан бўлишди. Платформадан фойдаланишни янада ошириш учун СВА мунтазам равишда электрон таълим курсида рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони билан ижтимоий медиа постларини эълон қилади⁴⁶.

Австрия

⁴⁵ https://ec.europa.eu/antifraud-knowledge-centre/library-good-practices-and-case-studies/good-practices/e-learning-platform-central-anti-corruption_en

⁴⁶ https://ec.europa.eu/antifraud-knowledge-centre/library-good-practices-and-case-studies/good-practices/e-learning-platform-central-anti-corruption_en

Австрия Федерал канцлери хузуридаги Федерал Давлат бошқаруви академияси томонидан коррупциянинг олдини олиш мақсадида бутун Австрия давлат бошқарувида хизмат вазифаларини бажаришнинг яхлитлигини мустаҳкамлаш мақсадида “Коррупциянинг олдини олиш – рия қилиш – ҳалоллик” махсус курси ташкил этилган ва бу иштирокчиларга ҳуқуқбузарлик ва коррупциянинг олдини олиш учун зарур чораларни амалга ошириш имконини бериб келмоқда. Ушбу ўқув семинарлари йилига икки мартаба ўтказилади⁴⁷.

Австриянинг коррупцияга қарши ушбу ўқув курсларини энг муҳим томонларидан бири шундаки, унда семинардан бир неча кун олдин семинар иштирокчиларидан семинар материалларининг имкон қадар долзарб бўлишини таъминлаш мақсадида ўзларининг касбий фаолиятида бевосита дуч келадиган амалий мисоллар ёки (ҳуқуқий) муаммоларни ёзма (керак бўлса, аноним) тақдим этишлари сўралиши ҳисобланади. Бундай амалий тадқиқотлар (муаммолар) семинар давомида муҳокама қилинади ва ўрганилади.

Семинар иштирокчиларни ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар, коррупция кўринишлари, ушбу соҳадаги ташкилий ва индивидуал заифликларни тан олиш имконини берадиган зарур маълумотлар ва илмий фактлар билан таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, айниқса, бошқарувчи ходимларни муаммоли вазиятларга қарши ўз ваколатлари доирасида тўғри ёндашиш қоидаларини ўргатади. Шундай қилиб, ушбу ўқув семинарлари куйидаги мавзуларга қаратилган:

- Коррупциянинг олдини олиш бўйича Австрия ахлоқ кодексининг мақсадлари ва моҳиятига мувофиқ касб этикаси, қадриятлари ва тамойиллари;

⁴⁷ Обучение госслужащих служебной этике. Пособие подготовлено Сетью ОЭСР по борьбе с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) программой «SIGMA». - 78 с.

- Давлат хизмати тўғрисидаги қонун (*манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қоидалар, давлат хизматидан кетганидан кейин ишга жойлашиш, давлат хизматчиларининг умумий ва махсус мажбуриятлари, жумладан, ошкоралик ва ахборотдан фойдаланиш каби мавзулар*);
- Жиноят ҳуқуқи (*Жиноят кодексида жазо назарда тутилган коррупцияга оид жиноятлар*);
- Коррупция ва коррупциянинг олдини олиш;
- Хавфларни баҳолаш ва хавфларни бошқариш;
- Коррупцияни тан олиш – коррупция ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш белгилари;
- Келажак учун мулоҳазалар ва истиқболлар (*масалан, маълумот тарқатишининг техник тизимлари, лоббизмни тартибга солиш, маъмурий ресурслардан фойдаланиш*)⁴⁸.

Бошқа мисоллар қаторига штатларнинг давлат органлари учун ихтисослаштирилган курслар, Австрия шаҳарлар ва шаҳарлар ассоциациясининг “Ахлоқ масаласи” масофавий таълим дастури, шунингдек, Коррупцияга қарши кураш бўйича Федерал идора (ФАК) томонидан ташкил этилган кенг қўламли коррупцияга қарши семинарлар киради.

Асосан, икки турдаги курслар мавжуд: ахлоқ ва ҳалоллик ва коррупциянинг олдини олиш. Коррупцияга қарши кураш бўйича тренинглар бўйича ФБПК эксперт-маслаҳат маркази ташкил этган ва ўқув модулларини ишлаб чиққан. Ушбу курслар асосан давлат хизматидаги шахсларга мўлжалланган, лекин танланган курслар хусусий сектордаги манфаатдор томонларга ҳам таклиф этилади⁴⁹.

⁴⁸ Обучение госслужащих служебной этике. Пособие подготовлено Сетью ОЭСР по борьбе с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) программой «SIGMA». - 78 с.

⁴⁹ Обучение госслужащих служебной этике. Пособие подготовлено Сетью ОЭСР по борьбе с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) программой «SIGMA». - 78 с.

“Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш” мавзусидаги уч ҳафталик малака ошириш курси энг муҳим ихтисослаштирилган маърифий тадбирлардан биридир. Курс иштирокчиларининг мақсадли гуруҳи – Австрия Ички ишлар вазирлигининг жиноят полициясида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг коррупция ёки мансабни суиистеъмол қилиш хавфи туфайли зарар кўриши мумкин бўлган соҳаларида ишлайдиган (*масалан, мигрантлар билан ишлаш, ташириф буюрувчиларни қабул қилиш ва бошқалар*) ходимлари ҳисобланади. Тингловчилар ФВК томонидан номзодлар уларнинг юборган аризалари асосида танланади, бу аризалар уларнинг бевосита раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Курс талабаларга коррупция мавзуси ва унга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича асосий маълумотларни беришдан иборат. Аввало, ушбу ҳодисанинг манбалари, муаммолари ва хавфи (*биринчи навбатда, давлат бошқаруви соҳасида*), шунингдек, Австрия ва энг яхши хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш шакллари ўрганилади⁵⁰.

Умуман олганда, коррупцияга қарши ўқитиш бўйича Австрия тажрибасининг биз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўзига хос хусусияти шундаки, стажёрларнинг ўзлари материални тақдим этадилар, яъни улар касбий муҳитда дуч келадиган муаммолар ва амалий мисоллар ўқув курси давомида муҳокама қилинади ва кўриб чиқилади. Бунда ўқув курси иштирокчисининг вазифаси норматив ҳужжатлар талабларини ёд олиш эмас, балки тизимли таҳлил қилиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг фундаментал тамойиллари асосида муайян коррупцион вазиятда қонуний йўл тутишни ўрганишдан иборат.

Буюк Британия

⁵⁰ Обучение госслужащих служебной этике. Пособие подготовлено Сетью ОЭСР по борьбе с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) программой «SIGMA». - 78 с.

Буюк Британияда коррупцияга қарши таълим дастурлари идоравий даражада амалга оширилади. Масалан, Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий гуруҳлари мутахассислари ва Буюк Британия элчихоналари ҳарбий хизматчилари, шунингдек, Савдо ва саноат департаменти ва ваколатига кирувчи бошқа бўлимларнинг хориждаги вакилларини тайёрлаш бўйича махсус антикоррупцион семинарлар курси дастурига киритилган. Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги ҳар йили элчихоналарда коррупцияга қарши кураш бўйича сайёр семинарлар ташкил қилади.

Юқори дипломатик лавозимларга тайинланган дипломатлар учун икки кунлик тезкор ўқув курслар зудлик билан ташкил этилиб, улар доирасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари билан индивидуал суҳбатлар ўтказадилар ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ёзма ишларни текширадилар⁵¹.

Коррупцияга қарши таълимнинг Британия модели асосан жамиятнинг коррупцияга мойил қатламларини, айниқса, ташқи иқтисодий ва дипломатик корпус вакилларини тайёрлашга қаратилган, чунки коррупция можароларининг асосий қисми ушбу соҳаларда содир бўлган.

Шу сабабли, коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитишнинг мажбурий курсидан ўтиши керак бўлган асосий контингент коррупция хатти-ҳаракатларига энг кўп мойил бўлган давлат хизматчилари ҳисобланади.

Буюк Британиянинг коррупцияга қарши ўқитишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда фуқаролик жамияти институтлари алоҳида ўрин тутаяди. Британияликларнинг оммавий онгига коррупцияга қарши

⁵¹ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

курашишнинг энг самарали усули сифатида коррупцияга қарши курашиш устувор йўналишларини сингдириш ва фаол фуқаролик позициясини намоён этишнинг ижобий имиджи шакллантирилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Британиянинг коррупцияга қарши курашиш менталитетининг яна бир хусусияти – бу коррупция жиноятлари ҳақида хабар бериш тизимининг ижобий шаклланидир, чунки бу нарса коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг энг самарали усулларида бири бўлиб ҳисобланади.

Дания

Данияда коррупцияга қарши таълим Дания Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари учун *Дания-Норвегия-Швеция консалтинг ташкилоти* – “*Global Advice Network*” томонидан амалга оширилади. Мазкур ташкилот коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги таълим дастурларини амалга оширади ҳамда коррупция муаммосини ўрганиш ва унга қарши курашиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ихтисослашган компания ҳисобланади.

Компания Жаҳон банкининг коррупцияга қарши жамоавий ҳаракатлар бўйича ишчи гуруҳи аъзоси бўлиб, ЭХХТнинг коррупция масалалари бўйича маслаҳатчиси, шунингдек *Ветнам, Миср, Иордания, Хитой ва Норвегиядаги* давлат хизматчилари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги таълим лойиҳаларининг ташкилотчиси ҳисобланади.

“Global Advice Network” томонидан Дания Ташқи ишлар вазирлиги учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида учта таълим дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, булар:

1. Дания Ташқи ишлар вазирлиги таркибига кирувчи Дания экспорт кенгаши ходимлари учун малака ошириш курси. Ушбу ўқув курсининг мақсади чет элда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи Дания корхоналарининг коррупцион схемаларга жалб этилишига қарши курашиш,

шунингдек, иқтисодиётида коррупция даражаси юқори бўлган давлатларга Дания томонидан сармоя киритиш билан боғлиқ хавфларни камайтириш соҳасида амалий кўникмаларни ривожлантиришдан иборат.

2. Дания Ташқи ишлар вазирлиги таркибига кирувчи, шартнома асосида ишлайдиган ва Дания ёрдамани олувчи мамлакатлар фуқаролари бўлган “**Данида**” гуманитар ташкилотининг чет эллик ходимлари учун уч ҳафталик малака ошириш курси. Ушбу тренинг Данияда маърузалар ва семинарлар шаклида ўтказилади, сўнгра олинган билим ва кўникмалар ташкилотнинг маҳаллий ходимлари орасидан фуқаролари бўлган мамлакатларда амалий жиҳатдан мустаҳкамланади. Назарий ва амалий машғулотлар Коррупцияга қарши курашиш портали материаллари асосида олиб борилади. Ушбу курс Дания Ташқи ишлар вазирлигининг ривожланишга кўмаклашиш учун вазирлик томонидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларининг бир қисми ҳисобланади.

3. Дания хорижий ваколатхоналари ходимлари учун мажбурий электрон курс. Ушбу электрон ўқув курсида коррупция қандай содир бўлиши, ушбу жараённинг қандай аниқланиши ва тўхтатиш мумкинлиги аниқ мисоллар асосида ўргатилади, шунингдек, коррупция хавфини камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар таклиф этилади. Курс амалий топшириқлар, шу жумладан мавзулаштирилган еттига модулдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўртача 2,5 соатни ташкил этади (*таълимнинг умумий давомийлиги – тахминан 18 соат*).

Дастлаб, ушбу онлайн ўқитилишга мўлжалланган бўлиб, курс қатнашчиларига мустақил иш материалларини тақдим этиб боришдан иборат бўлган. Кейинчалик, офлайн гуруҳларда ўқитишнинг анча юқори

самарадорли эканлигини амалиёт тасдиқлагандан сўнг тренинглари офлайн ўқитила бошланган⁵².

Коррупцияга қарши ўқитиш борасидаги Даниянинг ижобий тажрибаси, биринчи навбатда, коррупцияга қарши таълим дастурларини ишлаб чиқиш нодавлат таълим институти – “Global Advice Network” консалтинг компанияси томонидан амалга оширилаётгани билан боғлиқ ҳисобланади. Дунё миқёсида давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини оширишга қаратилган коррупцияга қарши ўқитиш масалалари билан шуғулланадиган нодавлат институтлари мавжуд бўлган жуда кам давлатлар мавжуд.

Иккинчидан, Британия мисолида бўлгани каби, Дания коррупцияга қарши ўқитишда асосий эътиборни жамиятнинг коррупцияга энг мойил бўлган қатламларига қаратган. Бундан Дания компанияларининг хориждаги коррупцион схемаларга жалб этилишининг олдини олиш мақсад қилинган.

Учинчидан, Дания ёрдамини олувчи мамлакатлар фуқаролари бўлган “Данида” гуманитар ташкилоти ходимларини уларнинг ривожланишига кўмаклашиш учун Дания томонидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида ўқитиш, ўз навбатида, ривожланаётган ва ўтиш давридаги иқтисодиёти бўлган мамлакатларга коррупцияга қарши эҳтиёжларини қондиришда ёрдам бериб келмоқда.

Сербия

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги 01.01.2010 йилда ташкил этилган бўлиб, у фақат Сербия парламентида ҳисобдор ҳисобланади. Агентликнинг фаолияти учун маблағлар давлат бюджетидан ажратилади. Агентлик фаолиятида коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар,

⁵² Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

биринчи навбатда, коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитиш дастурларига алоҳида аҳамият берилади.

Агентликда Коррупциянинг олдини олиш масалалари билан шуғулланувчи бўлим таркибида турли мақсадли йўналишлар талабалари учун коррупциянинг олдини олиш бўйича ўқув курсларини ишлаб чиқадиган ва ўтказувчи махсус ўқув дастурлари гуруҳи ташкил этилган.

Агентлик томонидан бир қатор таълим дастурлари ишлаб чиқилиб, давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ҳудудий органлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат хизматлари ва бошқа юридик шахслар ходимлари, шунингдек, журналистлар учун малака ошириш ташкил этилган⁵³.

Агентлик кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режасига мувофиқ таълим масалалари бўйича масъул бўлган бошқа ташкилотларга ҳам раҳбарлик қилади, шунингдек уларга зарур ёрдам кўрсатади. Агентлик билан бир қаторда Юридик академия ҳам коррупцияга қарши кураш бўйича таълим дастурларида иштирок этади, уларда коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ўқув курслари, суд амалиётида одоб-ахлоқ, коррупциянинг олдини олиш бўйича кадрлар малакасини ошириш дастурлари ташкил этилади. Дастурлар нафақат судьялар ва прокурорлар, балки суд ва полиция ходимлари учун ҳам мўлжалланган. Юридик академияда юридик шахсларнинг жавобгарлиги, коррупцияга қарши курашишда терговчиларнинг фаолияти, ҳуқуқшунослик соҳасидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш каби мавзуларда 40 та ўқув семинари ўтказилди.

⁵³ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

Айрим давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Агентлик ходимлари кўмагида ўз ходимлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида коррупциянинг олдини олиш мавзусида ўқув курслари ташкил этилмоқда.

Сербияда коррупция ҳолатларининг олдини олишга асосий эътибор давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши ўқитилишига қаратилган. Бу, бизнингча, энг таъсирчан ва самарали стратегия, чунки коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, унинг олдини олган маъқул.

Яна бир қийинчилик, мансабдор шахсларнинг соф расмий сабабларга кўра иштирок этишида (масалан, маълум миқдордаги тренингдан ўтиш тўғрисидаги қонуний талабни бажариш). Ушбу муаммо Сербия томонидан тақдим этилган материалда кўриб чиқилди:

“Давлат сектори вакиллари ўқитиш тизими шундай тузилганки, уларнинг мотивацияси, қизиқиши ва ўқув жараёнида олинган билим ва маълумотларнинг амалий аҳамияти тўғрисидаги савол доимий равишда кўтарилади. Кўпинча, давлат хизматчиларидан профессионалликни сақлаб қолиш талаб қилиниши ҳали ҳам қонуний расмиятчиликдир. Бундай ҳулосага давлат сектори вакилларининг салмоқли қисми “фойда беради” деган ваз билан таълим олишни истамаслигини кузатиш мумкин.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, қоидаларда белгиланган қоидаларга риоя қилиш осонроқ, чунки бу кўтарилиш имконияти мавжуд бўлганда фойдали бўлиши мумкин, гарчи ходим ҳақиқатан ҳам меҳнат фаолиятидаги хизматлари учун эмас, балки қонун томонидан расмий равишда юқори унвон ёки иш ҳақи тоифасини олиш учун зарур бўлган маълум миқдордаги ўқиш йилларини ўтганлиги сабабли ўсиш олади. Айни пайтда касбий ихтисосликнинг аҳамиятини тушуниб, уни ўқитиш орқали доимо қўллаб-қувватлаётган давлат хизматчилари кўп. Амалдаги тизим бундай шахсларни алоҳида ажратиб кўрсатмайди, янги олинган билим ва кўникмаларни ўз фаолиятида қўллашга тайёрлиги учун мукофотлашни

назарда тутмайди. Энг яхши ҳолатда, баъзи мансабдор шахсларнинг маълум бир тайёргарликдан ўтиши уларнинг имкониятларининг белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин, яъни бу қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини расмий равишда қўллаш учун нима қилиш кераклиги ҳақида маълумот олишнинг энг қисқа йўли эканлигини билиш, қонун, лекин бундай қонунчилик нормаси қандай тартибга солинишининг моҳиятини тушуниш қобилияти эмас”⁵⁴.

Бундай ўткир муаммо ўзбек жамиятининг ривожланишига ҳам тўсқинлик қилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу муаммонинг ечими коррупцияга қарши кураш бўйича ўқув курсларини тамомлаган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимига маълум устамаларни жорий этиш, бу ходимнинг мартабасини оширишда устунлик бериш ва буни қабул қилмаслик учун жавобгарликни жорий этиш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, самарали кадрлар тайёрлаш нафақат ўқитиш сифати ва мавжудлигига, балки давлат хизматчилари ишлаётган муҳитга ҳам боғлиқдир. Агар иш муҳити давлат хизматчиларини янги билимларни амалиётда қўллашга ва доимий равишда ўз малакаларини ошириб боровчи давлат хизматчиларини қадрлашга рағбатлантирса, сифатли кадрлар тайёрлашга бўлган талаб ортиб, малака ошириш янада яхши натижалар беради.

Эстония

Ахлоқ бўйича ўқув курслари Эстония Хавфсизлик ва фан академияси ҳузуридаги Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва давлат хизматини ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ушбу марказ давлат хизматчилари учун иш жойидан жойидан ажралмаган ҳолда ўқув курсларида ўқитиш билан шуғулланади. Бугунги кунга келиб, ушбу марказ томонидан давлат хизматчилари ва маҳаллий

⁵⁴ Из отчёта ОЭСР «Предотвращение коррупции в государственном секторе стран Восточной Европы и Центральной Азии». 2015. <https://www.oecd.org/corruption/acn/ACN-Prevention-CorruptionReport-RUS.pdf>

Ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун турли мавзуларни, жумладан, *давлат хизмати этикаси масалаларини ўз ичига олган кириш курси, марказий ҳокимият ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини ҳалолликка ўргатиш, давлат сектори ходимларини ҳалолликка ўргатиш, ахлоқ бўйича тренерлар учун ҳалолликка ўргатиш* каби тўртта ўқув дастури марказлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Ўқув дастурларининг самарадорлиги учта асосий тамойил: сиёсий ирода, қийматга йўналтирилган аргументлар (тартибга солиш ўрнига) ва ахлоқ бўйича тренерларнинг курс иштирокчиларининг фаол иштирокини таъминлаш ва муҳокамаларни ташкил этиш қобилияти билан белгиланади⁵⁵.

Ушбу ўқув курсларининг мақсади “битта тўғри” эчимни излаш ўрнига, ахлоқий муаммоли вазиятларни тан олиш ва уларни давлат хизматининг қадриятлари асосида тизимли таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиришдан иборатдир. Ўқув дастурларининг қадриятлар ва муносабатларга ҳақиқий таъсири ҳақида хулоса чиқариш қийин бўлса-да, давлат хизмати ходимларининг сўровномаси шуни кўрсатдики, давлат хизмати этикаси бўйича курсни ўқиган давлат хизматчилари бундай курсларда умуман қатнашмаган давлат хизматчиларига қараганда ахлоққа зид бўлган хатти-ҳаракатларни кескин қоралайдилар ва ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишади⁵⁶.

Фикримизча, бу таълим ёндашуви талабаларда коррупция хатти-ҳаракатларини аниқлаш қобилиятини шакллантириш ва тизимли таҳлил ёрдамида коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойилларига асосланиб, энг яхши ва адолатли эчимни топишни ўргатишга қаратилган бўлиб, бу уларни коррупцияга қарши қоидаларга кўр-кўрона риоя қилишни ўргатишдан кўра анча самарали ҳисобланади. Баъзи вазиятларда мумкин

⁵⁵ ОЭСР (2013 г.), Обучение госслужащих служебной этике, Глава 3.2, с. 34-39.

<http://www.oecd.org/corruption/acn/library/EthicsTrainingforPublicOfficialsBrochureEN.pdf>

⁵⁶ Riigikantselei. 2009 г. “Rollid ja hoiakud avalikus teenistuses” [Роли и позиции в государственной службе], TNS Эмор. См. пример Эстонии на сайте:

http://www.avalikteenistus.ee/public/Uuringud/Rollid_ja_hoiakud_avalikus_teenistuses_2009.pdf.

бўлган эчимларнинг бир нечта вариантлари бўлиши ёки умуман аниқ ҳуқуқий эчим бўлмаслиги мумкин, чунки улар ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилмаган бўлади.

Мензел таъкидлаганидек: “Қоидалар, меъёрлар ва ҳатто қонунлар фойдалидир, лекин тўғри иш қилиш кўпинча қоидаларга риоя қилишдан кўра кўпроқ нарсани англади⁵⁷”.

Америка Қўшма Штатлари

Америка Қўшма Штатларида коррупциянинг олдини олишга жиддий эътибор қаратилади. Бошланғич ва ўрта мактабларда оммавий ахлоқ бўйича дарслар олиб борилади. АҚШ Давлат хизмати бошқармаси ўз веб-сайтида ижро ҳокимиятидаги ходимларнинг зарур ахлоқий ва касбий фазилатлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб боради. Америка Қўшма Штатларидаги деярли барча федерал давлат идоралари мунтазам равишда (одатда йилига бир марта) коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги машғулотларда иштирок этадилар. Аксарият бўлимларда қонунбузарликларни аниқлаш учун Ички назорат хизмати (*Internal Revenue Service*) каби ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилган. Бундан ташқари, агар мансабдор шахс ножўя хатти-ҳаракат содир қилса, лекин бу ҳақда ички назорат хизмати ходимларини хабардор қилган бўлса, у жазоланмайди. Ушбу қоида беихтиёр хатога йўл қўйган ва бу ҳақда дарҳол хабар берган ҳалол ходимларни рағбатлантиришга қаратилган⁵⁸.

Ҳар бир ташкилотда ходимлар учун ахлоқ қонунлари ва қоидаларини ва ахлоқ бўйича маслаҳат олиш учун қаерга мурожаат қилишни ўрганиш учун ахлоқ бўйича тренинг дастури бўлиши керак. (Ижро ҳокимиятида 133 та алоҳида агентлик мавжуд.) АҚШда федерал ижро ҳокимиятининг барча

⁵⁷ Мензель, с. Дональд. 2008 г. „Моменты этики во власти. Примеры и полемика“. Американское общество государственного управления, Группа Тейлора и Фрэнсиса: Бока Рейтон, Лондон, Нью Йорк

⁵⁸ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

ходимлари ишга киришдан олдин ўтказиладиган ахлоқ қоидалари бўйича учрашувда катнашишлари шарт, бунда уларга ахлоқий хулқ-атвор стандартлари тушунтирилади. Бундай учрашув федерал давлат хизматида кирган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Йиллик стандартлар бўйича ўқитиш ҳам раҳбарлик лавозимларида бўлганларга берилиши керак. Умуман олганда, бу махфий ёки давлат молиявий ҳисоботларини тақдим этадиган ходимларга тааллуқлидир: жами 330 мингга яқин ходим махфий ҳисоботларни, 28 мингтаси эса очик ҳисоботларни тақдим этади. Оммавий ҳисоботларни тақдим этаётганларнинг тахминан 1200 нафари ижро ҳокимиятида энг юқори лавозимларни эгаллаганлардир: улар Президент томонидан тавсия этилади ва АҚШ Сенати томонидан тасдиқланади⁵⁹.

Чилидаги барча давлат муассасаларида ишга қабул қилинаётганда, келажакдаги амалдорлар коррупцияга қарши курсидан ўтишлари керак. Хусусан, Чили Ташқи ишлар вазирлигининг бўлажак ходимлари Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатик академиясида шундай курслардан ўтади. Ходимларни тайёрлашнинг худди шундай тизими Миллий Конгресс, вазирлик ва идоралар, Карабинери корпуси ва тергов қўмитасида мавжуд⁶⁰.

Америка Қўшма Штатларининг ижро ҳокимиятида марказлашмаган ўқитиш моделини ва 133 та ижро этувчи ҳокимият тузилмаларида ишлайдиган 4 миллионга яқин давлат хизматчисини (ҳарбий ва фуқаролик) тайёрлашга жамоавий ёндашувни қабул қилди. Бу модел, шунингдек, ижро этувчи ҳокимиятдаги ахлоқий дастурга ҳам тааллуқлидир.

⁵⁹ Обучение госслужащих служебной этике. Пособие подготовлено Сетью ОЭСР по борьбе с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) программой «SIGMA». - 78 с.

⁶⁰ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

Умумий ўқув жараёнида АҚШнинг Жамоатчилик этикаси бошқармаси ахлоқ комиссарлари учун тренинглари ўтказиладиган ва улар кейинчалик ушбу муассаса ходимларини ўқитадилар.

Бизнинг ҳолатда, бу тажриба ҳам самарали ва фойдалидир, чунки барча давлат хизматчиларини тайёрлаш учун давлат ресурслари этарли бўлмаслиги мумкин. Ушбу ҳолатда коррупцияга қарши ўқитиш мажбурий курсини тамомлаган шахслар иш жойларида ўз ҳамкасбларини ўқитишни давом эттирадилар.

Корея Республикаси

Корея Республикасида коррупцияга қарши ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш 2008 йил 29 февралда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссия (*Anti-Corruption and Civil Rights Commission – ACRC*) зиммасига юклатилган.

Коррупцияга қарши курашиш бюроси таркибига давлат хизматчилари ва бутун жамият, шу жумладан мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурларини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган Коррупцияга қарши ўқитиш бўлими киради.

2003 йилдан бошлаб Комиссия ҳузурида давлат органлари ходимларини коррупцияга қарши кураш ўқитиш бўйича ихтисослаштирилган ўқув курслари фаолият кўрсатиб келмоқда. 2009 йил ҳолатига кўра, ушбу курсларда 7 мингга яқин марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вилоят ҳокимликлари, давлат ташкилотлари ва идоралари ходимлари таҳсил олган. ACRC 2006 йил март ойидан бошлаб коррупцияга қарши онлайн ўқитиш курсларини бошлаган, бу эса давлат хизматчиларининг иш жойидан масофавий ўқитиш курсларида кенгроқ иштирок этишларини таъминлашга имконият яратган. Ушбу онлайн

курсларда қатнашувчилар сони йилдан йилга доимий равишда ўсиб бормоқда⁶¹.

Комиссия давлат органлари манфаатларини кўзлаб коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш дастурларини амалга ошириш билан бир қаторда, хусусий сектордаги ташкилотларга ҳам услубий ёрдам кўрсатиб келади, уларни зарур ўқув ва амалий маълумотлар билан таъминлайди, ушбу масала бўйича мавзулаштирилган маърузалар ўқиш учун ўз мутахассисларини юборади.

Коррупцияга қарши ўқитиш институти (Anti-Corruption Training Institute, АСТИ) Кореяда давлат хизматчилари учун коррупцияга қарши ихтисослаштирилган тренинглар ўтказувчи ягона ташкилот ҳисобланади. У директор, 23 нафар ходим ва иккита бўлимдан ташкил топган.

Коррупцияга қарши мажбурий ўқув курсларида асосан юқори мансабдаги шахслар, лавозимга янги тайинланганлар, ишга янги қабул қилинганлар ҳамда коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларда фаолият юритувчи давлат хизматчилари қатнашган⁶².

Умуман олганда, Корея Республикасининг коррупцияга қарши кураш бўйича ўқитиш тажрибаси дунёдаги энг илғор ва замонавий таълим дастурларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, Кореяда коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси ҳузурида алоҳида Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни амалга оширадиган махсус ваколатли таълим муассасаси мавжуд бўлиб, бу каби коррупцияга қарши курашиш соҳасида оммавий таълимни, айниқса давлат хизматчилари учун ушбу соҳада таълим берувчи муассаса бутун дунё бўйлаб жуда камдир. Ушбу таълим муассасасининг асосий вазифаси айнан коррупцияга қарши ўқитишни амалга ошириш билан ажралиб туради.

⁶¹ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

⁶² Russian 1. Anti-Corruption Training2.pdf

Индонезия

Индонезиянинг 2002 йилда қабул қилинган 30-сонли *“Коррупцияга қарши курашиш комиссияси тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига* мувофиқ, Индонезия Коррупцияга қарши курашиш комиссияси (*Komisi Pemberantasan Korupsi, KPK*) фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳолини коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳуқуқий билимлари ошириб бориш ҳамда фуқароларни ёшлигидан коррупцияга қарши муросасиз муносабатда қилиб тарбиялашга қаратилган коррупцияга қарши ўқитиш дастурларини амалга ошириш ҳисобланади.

Мазкур дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси комиссиянинг махсус бўлими – Таълим ва давлат хизматлари бошқармаси зиммасига юклатилган.

Улар ишлаб чиқадиган дастурлар болалар боғчасидан бошлаб таълимнинг барча босқичларини қамраб олади. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар *“Коррупцияга қарши тўққизта қадрият”* (*ҳалоллик, меҳнатсеварлик, жасорат, масъулият, мустақиллик, адолат, интизом, ҳаё, эътибор*) шаклланишига даъват этувчи ва коррупцион хулқ-атворни қораловчи ўйинлар, мавзулаштирилган китоблар (*шу жумладан эртаклар ва комикслар*) ёрдамида коррупцияга қарши курашиш руҳида тарбияланадилар.

Малака ошириш курсларида малака ўтаётган давлат хизматчилари учун коррупцияга қарши кураш бўйича махсус ўқув модули мавжуд. Шунингдек, у коррупцияга қарши ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган бўлиб, ўқитилган ходимларга иш жойида атрофдагилар ўртасида коррупцияга қарши қадриятларни тарғиб қилиш учун мўлжалланган. Давлат хизматчилари учун шундай курслар Жакартада *“Богор”* – давлат хизматчиларининг таълим ва малакасини ошириш маркази иштирокида ўтказилиб келинади.

КРК 20 дан ортиқ турли хил тарғибот материалларидан (брошюралар, стикерлар, дафтарлар, календарлар, белгилар, видеороликлар ва бошқалардан) фаол фойдаланади. Ушбу тарғибот материалларининг умумий сони 1 миллионтагачани ташкил этади ва улар мамлакат бўйлаб бепул тарқатилади.

КРК энг чекка ҳудудларда мавзулаштирилган видеороликлар намойишини ташкил қилиш учун доимий равишда мамлакат бўйлаб ҳаракатланадиган иккита тарғибот машинасига эга⁶³.

Коррупцияга қарши кураш бўйича Индонезия тажрибасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу ўқитиш тизими ҳар бир ёш гуруҳига индивидуал ёндашиш асосида, уларнинг идроки ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда уларни ўқитишга асосланади.

Ушбу тажрибанинг яна бир хусусияти шундаки, ўқитилган ходимлар ўзларининг ишдаги ҳамкасблари орасида коррупцияга қарши билимларни тарғиб қиладилар, яъни коррупцияга қарши ўқитиш бўйича устоз вазифаларини бажарадилар.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ҳам энг чекка ҳудудларда мавзулаштирилган видеороликларни томоша қилишни ташкил этиш учун доимий равишда мамлакат бўйлаб ҳаракатланиб турувчи тарғибот дастурларини жорий этиш аҳолининг коррупцияга қарши ҳуқуқий билимларини оширишга кенг хизмат қилади. Чунки, ҳозирги кундаги коррупцияга қарши ўқув машғулотлари асосан Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида ўтказилиб келинмоқда. Мамлакатнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи бошқа фуқаролар учун бу каби коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув машғулотлари амалга оширилмай келмоқда.

⁶³ Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сўнги йилларда Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини узлуксиз ошириб бориш, коррупцияга нисбатан мурасасиз муҳитни яратиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ўзида мужассам қилган асосий қонун – “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши лозимлиги белгилаб қўйилганлиги⁶⁴ ҳам фикримизни тасдиғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438 ва 2019 йил 27 майдаги ПФ–5729-сонли фармонларига асосан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш Бош прокуратура Академиясининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясига коррупцияга қарши

⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (<https://lex.uz/docs/3088008>)

курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш юклатилган бўлиб, ўтган давр мобайнида Академия томонидан бир қатор малака ошириш курслари ўтказилиб келинмоқда⁶⁵.

Мазкур вазифани бажариш борасида Академиянинг Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази томонидан шу кунга қадар давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги малакасини ошириш мақсадида бир нечта тадбирлар ташкил этилиб, уларда минглаб иштирокчи қамраб олинди.

Бош прокуратура Академияси томонидан бир қатор соҳа ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги малака ошириш курслари ташкил этилиб келинмоқда.

Бундай малака ошириш курсларинг дастлабкиларидан бири “коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида олий таълим тизими ходимлари учун ташкил этилган. Хусусан, 2019 йилнинг 17-21 декабрь кунлари Академияда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази билан ҳамкорликда республикадаги олий таълим муассасалари бошқарув ходимлари учун “Касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари” мавзусида тренерлар тайёрлаш қисқа муддатли курслари ўтказилган бўлиб, мазкур курсларда 80 га яқин олий таълим муассасаларининг 200 нафар бошқарув ходимлари иштирокида коррупцияга қарши курашиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, олий таълим тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон)

амалга оширилиш ҳолати, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари кўриб чиқилган. Курслар интерфаол методларни қўллаган тарзда ўтказилган⁶⁶.

Бош прокуратура Академияси томонидан бундай кўринишдаги коррупцияга қарши курашиш соҳасида малака ошириш курсларининг энг сўнгиларидан бири соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари учун масофавий малака ошириш курси тарзида амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2022 йил 5 апрелдаги баёни тасдиқланган Соғлиқни сақлаш тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022-2023 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш маданияти ва билимини ошириш бўйича амалий тадбирларни йўлга қўйиш вазифаси доирасида Академия томонидан вазирлик бошқармаларининг комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати 32 нафар ходимлари учун “Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали идоравий чора-тадбирлар ташкил этилишини таъминлаш” мавзусида қисқа муддатли масофавий малака ошириш курси ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш тизимида бевосита коррупцияни олдини олиш фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар 10 кунлик масофавий курслар давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс-назорат тизимининг ўрни ва аҳамияти, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уни олдини олиш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ҳамда коррупция учун ўрнатилган жавобгарлик каби мавзуларда ўз билим ва малакаларини оширишди. Ўқув курсини муваффақиятли якунлаган тингловчиларга сертификатлар тақдим этилди. Шунингдек, ҳозирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 165 та тиббиёт муассасалари бош шифокорларидан

⁶⁶ <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=531>

иборат 4 гуруҳ тингловчилар учун масофавий малака ошириш курси ўтказилмоқда⁶⁷.

Умуман олганда, Бош прокуратура Академияси томонидан бундай кўринишдаги коррупцияга қарши курашиш соҳасида малака ошириш курслари кенг қамровда ўтказилиб келинмоқда. Лекин, шундай бўлишига қарамаздан, бундай кўринишдаги қисқа муайян соҳа ходимларига йўналтирилган коррупцияга қарши курашиш соҳасида малака ошириш курслари коррупцияга қарши курашишда самара бераётган бўлса-да, етарли натижага эришмаяпти. Шунингдек, ушбу малака ошириш курслари фақатгина муайян соҳа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бўлиб, аҳолининг кенг қатламларини, жамоат бирлашмалари вакиллари ҳамда жамоаларни, ОАВ вакиллари, блогерлар ва бошқа қатлам вакиллари коррупцияга қарши курашиш соҳасида кенг қамровда ўқитишни, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришни, жамиятдаги “коррупциявий нигилизмни” бартараф этиб, коррупцияга қарши муросасизлик муҳитини шакллантиришга урғу бермасдан келмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистонда коррупцияга қарши кенг қамровли ўқитишни назарда тутувчи тизим яратиш зарурияти юзага келмоқда. Бу каби тизимни яратишга илк қадамлар ҳам ташланган бўлиб, ҳозирги кунда тизимни ташкил этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириб бориш тизимини жорий этиш масаласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури”да ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу Давлат дастурининг 38-бандида давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги

⁶⁷ <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=1256>

билимларини доимий ошириб бориш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура Академиясига 2022 йил 1 январига қадар Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиаллари негизида «ҳалоллик вакцинаси» тамойили асосида давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқув курсларда мунтазам равишда ўқитиш тизимини жорий этиш вазифаси юклатилган⁶⁸.

Мазкур фармон ижроси юзасидан 2021 йилнинг 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура Академияси томонидан ҳамкорликда Давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларида мунтазам равишда ўқитиш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилган.

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5177-сон қарорига мувофиқ, давлат хизматчиларига “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тартибини белгилаб берди.

Низомга мувофиқ, ўқув курслари давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича мавжуд билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мунтазам равишда ташкил этилади. Ўқув курслари хусусий сектор вакиллари, жамоатчилик назорати субъектлари ва аҳолининг коррупцияга қарши

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/5495529>)

билимларини ошириш ҳамда коррупцияга қарши муросасизлик муҳитини яратиш мақсадида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўқув курсларида иштирок этадиган давлат хизматчилари тоифаларига ҳам ушбу изомда аниқлик киритилган бўлиб, унга кўра ўқув курсларида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатда назарда тутилган давлат хизматчилари⁶⁹ қатнашиши белгиланган.

Шунингдек, давлат хизматчилари учун баъзавий махсус малака ошириш курслари **12 соатдан**, махсус чуқурлаштирилган ўқув курслари **50 соатдан** кам бўлмаган ҳажмда ташкил этилади. Бунда **базавий ўқув курслар** коррупция ва унинг моҳияти, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида умумназарий маълумотларни ўзида акс эттирган, давлат хизматчилари, хусусий сектор вакиллари ва фуқаролар учун мўлжалланган ўқув фанлари (модулар) дастурлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш шакли, **махсус чуқурлаштирилган ўқув курслар** эса коррупция, унинг турлари, таснифи, ўзига хос хусусиятлари ва унинг олдини олиш чоралари, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида умумназарий ва амалий кўникмаларни ўзида акс эттирган, раҳбар, коррупцияга қарши курашиш ички назорат, кадрлар, шахсий хавфсизлик тузилмалари ва тренерлар учун мўлжалланган ўқув фанлари (модулар) дастурлари асосида ташкил этиладиган ўқитиш шакли ҳисобланади. Махсус чуқурлаштирилган ўқув курслари коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, инсон ва унинг шаънини фақат қонунга риоя этган ҳолда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши

⁶⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори (<https://lex.uz/docs/1191841>)

курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган масалаларини қамраб олишлари зарур.

Мазкур ишларни жадаллаштириш ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши самарали ўқитиш тизими жорий қилиши тўғрисидаги навбатдаги қадам бу 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”да коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор устувор мақсад ва вазифалар белгиланди. Тараққиёт стратегиясида 84-мақсад сифатида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсади кўйилди. Ушбу мақсадни амалга оширишда аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш юзасидан янги вазифалар белгиланди. Хусусан ушбу йўналишда:

1. «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академия»сини жорий этиш орқали соҳага доир ҳуқуқий билим ва онгни юксалтириш бўйича кенг қамровли тизимини жорий қилиш.

2. Давлат хизматчиларини коррупцияга қарши миллий сертификациялаш тартибини татбиқ этиш асосий вазифалар сифатида белгиланди⁷⁰.

Тараққиёт стратегияси ваколатли органлар зиммасига аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилишда “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”ни ишлаб чиқиш вазифасини кўйди.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони (<https://lex.uz>)

Умуман олганда, таълим жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Унинг турли хил ижтимоий институтлар, ўқув фанлари, маълумотни тақдим этиш ва ўзлаштириш усуллари билан тўлдирилиши, таълим муассасаларини тузилиши, халқнинг келажаги ва унинг маънавий ва интеллектуал ривожланишининг йўналишига жуда боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабли, коррупцияга қарши таълимни ташкил этиш бир мунча қийин бўлиши бор гап. Бундай бўлишига эса кўплаб омилларни сабаб сифатида келтириш мумкин. Давлат дастурларида, фармон ва қарорларда коррупцияга қарши таълимни ташкил этиш вазифасига қўйилган бўлишига қарамай биргина бунинг ўзи самарали коррупцияга қарши ўқитиш тизимини ташкил этишга олиб келмайди. Буни юқоридаги низом бандларида ҳам кўриш мумкин.

Коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш бўйича низом ишлаб чиқилган бўлса-да, мазкур низом ушбу соҳада ўқитишни жорий этишнинг барча жиҳатларини ўзида қамраб олмаган. Бундай ўқитиш тизими шунчаки ташкил қилинмасдан, балки келгусида самарали фаолият юритиши ҳамда жамият ва давлат учун фойдали бўлиши, умуман олганда уни ташкил этишдан қўзланган мақсад ва вазифаларга етказиши зарур.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ ваколатга эга бўлган коррупцияга қарши курашиш органлари ахлоқий таълимни устувор вазифа деб билишади, лекин улар одатда бундай тренингни мустақил равишда ташкил этиш учун ресурслар ва тажрибага эга бўлмайдилар. Маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган ва суиистеъмолчиликларга йўл қўймайдиган етакчи органга ахлоқий таълим бўйича марказий мувофиқлаштирувчи ролни бериш коррупция даражаси юқори ва давлат бошқаруви ривожланмаган мамлакатлар учун фойдали ёндашув бўлиши мумкин.

Аксарият хорижий давлатларда (масалан, Корея Республикаси, Сингапур, Малайзия, Полша ва ҳоказо) аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини

коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий билимларини оширишга масъул бўлган алоҳида таълим муассалари мавжуд. Баъзи давлатларда коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган томонидан бу вазифа амалга оширилилади.

Коррупцияга қарши курашиш Академияси қайси ташкилот ёки таълим муассасаси негизида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хулосага келиш лозим. Коррупцияга қарши курашиш ўқитиш тизимининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузурида ташкил этилиши бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, Бош прокуратура Академиясида коррупцияга қарши ўқитиш бўйича 4 йиллик тажриба мавжуд бўлиб, у аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши ўқитишда зарур бўладиган техник ҳамда дастурий жиҳатдан таъминланган. Зарур илмий ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчиларга эга бўлган Академия коррупцияга қарши ўқитиш борасида халқаро экспертларни жалб қилиш, халқаро фондларнинг молиявий ёрдамларини кенг жалб қилиш бўйича кенг халқаро ҳамкорлик алоқаларига эга. Шунингдек, Академияда ушбу соҳада ўқитишни амалга оширадиган электрон таълим платформаси – “ProAcademy.uz”нинг мавжуд эканлиги Коррупцияга қарши курашиш Академиясининг ушбу платформа негизида ташкил этишдаги ортиқча харажатларнинг олдини олади.

Хулоса

Ушбу диссертация иши доирасида қонунчиликка қўйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари деб аталувчи 9-моддасини *“аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишни амалга оширади”* деган банд билан тўлдириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорини ишлаб чиқиш

3. “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси тўғрисида”ги низомни ишлаб чиқиш.

Ушбу диссертация иши доирасида ишлаб чиқилган ташкилий характердаги таклиф ва тавсиялар:

1. Коррупцияга қарши ўқитиш тизимини ташкил этиш борасида:

Аҳоли ҳамда давлат хизматчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг ўқитишни амалга оширадиган мавжуд электрон таълим платформаси – “ProAcademy.uz” негизида ташкил этиш таклиф этилади. Бу Коррупцияга қарши курашиш Академиясининг ташкил этилишидаги ортиқча харажатларнинг олдини олади.

2. Коррупцияга қарши ўқув курсларида иштирок этадиган мақсадли гуруҳлар (контингент) доираси юзасидан:

Коррупцияга қарши курашиш ўқув курсларида аҳоли ҳамда давлат хизматчиларининг иштирок этиши назарда тутилади. Хорижий

давлатларнинг аксариятида давлат хизматчилари билан бир қаторда аҳоли, хусусий сектор вакиллари ҳам тренингларда иштирок этиши мумкин. Масалан, Полша Марказий коррупцияга қарши курашиш бюросининг Электрон таълим платформасида (<https://szkolenia-antykorupcyjne.edu.pl/>) коррупция мавзусига қизиқувчилар, хусусан, жамоатчилик вакиллари, мансабдор шахслар, тадбиркорлар, талабалар ва ўқувчилар коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тренингларда қатнашиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг доираси “Давлат фуқаролик хизмати” тўғрисидаги қонуни билан белгилаб берилади. Бунда ўқув курслари раҳбар кадрлар учун ҳамда ходимлар учун алоҳида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ. Раҳбар ходимлар учун ташкил этилган ўқув курсларида қўшимча сифатида ходимлар билан ишлаш, коррупцион ҳолат ҳақида хабар бериш бўйича қарорлар қабул қилиш, ташкилотда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган ўқув соатлари ўтилиши лозим.

Коррупцияга қарши курашиш ўқув курсларида иштирок этувчи аҳоли вакиллари турли хил мақсадли гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқув курсларида иштирок этишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ёппасига бутун аҳолининг ўқув курсларида иштирок этиши, уларни жалб қилиш деярли имконсиз. Шу босидан, шу нарса таклиф қилинадикки, аҳоли вакиллари турли хил мақсадли гуруҳларга: жамоалар, жамоат бирмашмалари вакиллари, нодавлат нотижорат вакиллари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари (маҳалла раислари, котиблари, ёшлар ишлари бўйича ёрдамчилар) каби бўлинган ҳолда ўқув курсларида ўқитиш лозим.

3. Таълим тури ҳамда таълимнинг молиявий таъминоти юзасидан:

Таълим онлайн шаклда амалга оширилиши лозим. Бу нафақат ўқитиш сарф-харажатларини камайтиради, балки бир вақтнинг ўзида минглаб иштирокчиларнинг таълим олишига имконият яратади.

Коррупцияга қарши таълимнинг онлайн шакли *Полиа, Австрия, Буюк Британия, Дания, Сербия, Эстония, Португалия, АҚШ, Корея Республикаси, Индонезия* ва бошқа мамлакатлари коррупцияга қарши ўқитиш тизимларида кенг қўлланилади ва ўз самарасини бериб келмоқда.

Коррупцияга қарши ўқитиш тизимининг энг муҳим жиҳатларидан бири бу албатта таълим харажатлари ҳисобланди. Таълим харажатлари канқа кўринишда ёки мутлақо бепал бўлиши, ёки алоҳида шахслар доираси учун пулли, ёки аксинча, алоҳида шахслар доираси учун бепул бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, ўқиш мутлақо бепул амалга оширилиши лозим. *(масалан, Полянинг юқорида номи тилга олинган платформасида ўқитиши барча учун бепул ташкил этилган).*

4. Ўқитиладиган ўқув модуллари ҳамда курслари юзасидан:

Навбатдаги масала коррупцияга қарши ўқитиш тизими томонидан платформада ўқиётган шахсларга ўқитиладиган билим соҳалари, бу шахслар доирасига қараб қандай ўзгариши, таълим дастурларидаги фарқ нималарда нималарда намоён бўлишидир. Бу бўйича ўқув дастурлари, дарс ишланмалари, ўқув режалари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўқитиладиган ўқув модуллари ҳамда мавзулар курс иштирокчиларига қараб турлича бўлади. Бунда асосий ўқув моделлари барча учун, айрим турдаги давлат хизматида ишловчи давлат хизматчилари учун уларнинг иш фаолияти билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар, унга қарши курашиш йўналишлари борасида махсус ўқув соатлари ўтилиши лозим.

5. Ташкилий-штат бирлиги билан таъминлаш бўйича:

Ўқитишни самарали ташкил этиш, ўқув сифатини ошириш, ўқув курсларида кўпроқ қатнашчиларнинг иштирокини амалга ошириш учун Коррупцияга қарши курашиш Академияси электрон таълим платформаси фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган етарли миқдордаги штат бирликлари ажратилиши лозим. Шу мақсадда, Бош прокуратура Академиясининг “Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази”га 5 кишидан иборат ташкилий-штат бирлиги ажратиш ҳамда Академия бошлиғига манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда зарур ҳолларда ушбу штат-бирликлари сонини ошириш ваколатини бериш таклиф қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (принята Генеральной Ассамблеей ООН 31 октября 2003 г.) // Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2008 г., № 3-4
2. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» от 23 сентября 2020 г. за № ЗРУ-637 // Национальная база данных законодательства, 24.09.2020 г., № 03/20/637/1313
3. Закон Республики Узбекистан «О противодействии коррупции» от 3 января 2017 г. за № ЗРУ-419 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 1, ст. 2; Национальная база данных законодательства, 16.01.2019 г., № 03/19/516/2484; 24.05.2019 г., № 03/19/542/317, 2019 г., № 2, ст. 47
4. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» от 23 сентября 2020 г. за № ЗРУ-637 // Национальная база данных законодательства, 24.09.2020 г., № 03/20/637/1313
5. Постановление Президента Республики Узбекистан от 02.02.2017 года за № ПП–2752 «О мерах по реализации положений Закона Республики Узбекистан «О противодействии коррупции»» // Национальная база данных законодательства, 11.12.2019 г., № 06/19/5892/4134
6. Указ Президента Республики Узбекистан от 06.07.2021 года за № УП-6257 «О мерах по созданию среды нетерпимого отношения к коррупции, кардинальному сокращению коррупционных факторов в государственном и общественном управлении, а также широкому вовлечению общественности в этот процесс» // Национальная база данных законодательства, 07.07.2021 г., № 06/21/6257/0645
7. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.12.2020 года за № УП- 6127 «О мерах по обеспечению подлинной независимости судей и повышению эффективности предупреждения коррупции в судебной

системе» // Национальная база данных законодательства, 07.12.2020 г., № 06/20/6127/1609

8. Указ Президента Республики Узбекистан от 29.06.2020 года за № УП-6013 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» // Национальная база данных законодательства, 30.06.2020 г., № 06/20/6013/1002

9. Указ Президента Республики Узбекистан от 27 мая 2019 года № УП-5729 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан» // Национальная база данных законодательства, 20.07.2019 г., № 06/19/5769/3450

10. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2020 года за № УП-6127 «О мерах по обеспечению подлинной независимости судей и повышению эффективности предупреждения коррупции в судебной системе» // Национальная база данных законодательства, 07.12.2020 г., № 06/20/6127/1609

11. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 июня 2019 г. за № 531 «О дальнейшем совершенствовании деятельности Центра повышения квалификации юристов при министерстве юстиции Республики Узбекистан» // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.09.2020 й., 09/20/544/1265-сон

12. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 марта 2016 года за № 62 «Об утверждении Типовых правил этического поведения работников органов государственного управления и органов исполнительной власти на местах» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 9, ст. 94

13. Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции. // Учебное пособие -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -220с.

14. Bardhan P. Corruption and development. *Journal of Economic Literature*. 1997. Vol. 25. P. 1320.

15. Riigikantselei. 2009 г. “Rollid ja hoiakud avalikus teenistuses” [Роли и позиции в государственной службе], TNS Эмор. См. пример Эстонии на сайте:http://www.avalikteenistus.ee/public/Uuringud/Rollid_ja_hoiakud_avalikus_teenistuses_2009.pdf.

16. Мензель, с. Дональд. 2008 г. „Моменты этики во власти. Примеры и полемика“. Американское общество государственного управления, Группа Тейлора и Фрэнсиса: Бока Рейтон, Лондон, Нью Йорк.

17. Treisman D. The causes of corruption: a cross-national study // *Journal of Public Economics*. 2000. № 76. P. 456–457.

18. Corruption of Foreign Public Officials Act, 1998. URL:<https://lawslois.justice.gc.ca/eng/acts/c-45.2/> – URL: (дата обращения: 22.11.2018).

19. Jon S.T. Quah Combating Corrruption Singapore-style: Lessons for other Asian countries / *Varyland Series in Contemporary Asian Studies*. 2007. №2. P. 18.

20. Vieira J.B. The impact of public transparency in fighting corruption. A study on Brazilian municipalities e-government / J.B. Vieira // *Federal University of Paraiba. JeDEM* 5(1), 2013. С. 80–106.

21. Kim S. An institutional analysis of an e-government system for anticorruption: The case of OPEN / S. Kim, H.J. Kim, H. Lee // *Government Information Quarterly*. 2009. №26. С. 42–50.

22. Bleker-van Eyk, Sylvie C. (2017). «Chapter 17: Anti-Bribery & Corruption». In Bleker-van Eyk, Sylvie C.; Houben, Raf A. M. *Handbook of Compliance & Integrity Management*. KluwerLawInternational. pp. 311–324.

23. Abjorensen N. Combating Corruption Implications of the G20 Action Plan for the AsiaPacific Region. 2014, Konrad-Adenauer-Stiftung, Japan.

P. 924. Anti-corruption specialisation of prosecutors in selected European Countries. Working Paper September 2011. P. 72

25. Кузовков Ю.В. Мировая история коррупции. В 2-х томах. Т. 2 / Кузовков Ю.В. - М.: Аним-Пресс, 2010. - 488 с.

26. Кодан С.В. Антикоррупционная подготовка в стратегии и практике противодействия коррупции. С. 272-277.

27. Решетников М.М. Психология коррупции: утопия и антиутопия. СПб.: Восточно-Европейский институт психоанализа. 2008. 128 с.

28. Сергеев А.Л. Реформа образования в России: проблемы и перспективы / А.Л. Сергеев // Конституционное и муниципальное право. 2013. № 9. С. 28-31.

29. Организационно-управленческие механизмы антикоррупционной деятельности (российский и зарубежный опыт): сборник тезисов докладов истатей III Международной научно-практической конференции 25 января 2016 года / отв. ред. Р.А. Абрамов - Москва: ООО «ИД Третьяковъ».

30. Практика противодействия коррупции: проблемы и достижения: Материалы IX Всероссийской научно-практической конференции, 7 декабря 2018 г. Казан. нац. исслед. технол. ун-т. – Казань, 2019. – 172 с.

31. Серегина О.Л. Развитие науки и техники как фактор, способствующий изменениям в современных правовых системах // Право и современные государства. – 2013. – № 3. – С. 13–15; Соловьев А.А., Филиппов Ю.М. Осуществление правосудия арбитражными судами в РФ // Право и современные государства. – 2013. – № 3. – С. 60–63.

32. Алексеева Ю.С. Формирование антикоррупционной культуры у студентов [Текст] / Ю.С. Алексеева // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 1–1. – URL:

<http://scienceeducation.ru/ru/article/view?id=17989>.

33. Давыдова М.Л., Ахметова Н.А. Проблемы методологии и методики антикоррупционного обучения в российском юридическом вузе. DOI:<http://dx.doi.org/10.14420/ru.2013.6.2>. Право и современные государства 2013/№6.

34. Копылов В.В., Доценко Е.А., Толстова И.А. Инновации в обучении антикоррупционному поведению сотрудников органов внутренних дел в системе профессиональной служебной подготовки. Вестник экономической безопасности. 2020;(2):23-7.

35. Методические рекомендации «Орнизация антикоррупционного обучения федеральных государственных служащих», одобрены президиумом Совета при Президенте Российской Федерации по противодействию коррупции (протокол от 25.09.2012 г. за №34)

36. Давыдова М.Л., Ахметова Н.А. Проблемы методологии и методики антикоррупционного обучения в российском юридическом вузе. DOI: <http://dx.doi.org/10.14420/ru.2013.6.2>. Право и современные государства 2013/№6.

37. Обучение госслужащих служебной этике. Пособие подготовлено Сетью ОЭСР по борьбе с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии (АКС) программой «SIGMA». – 78 с.

38. Материалы по обобщению опыта иностранных государств по реализации антикоррупционных образовательных программ, подготовленные Министерством образования и науки совместно с министерством иностранных дел Российской Федерации от 31.05.2011 г. за №МОН-П-1389.

39. Алексеева Ю.С. Формирование антикоррупционной культуры у студентов [Текст] / Ю.С. Алексеева // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 1–1. – URL: <http://scienceeducation.ru/ru/article/view?id=17989> (Дата обращения: 03.02.2016).

40. Абрамов Р.А. Исследование эффективности противодействия и профилактики коррупции в российской сфере образования: термин, методология, практика: монография. [Текст] / Р.А. Абрамов, М.С. Соколов. – М.: РУСАЙНС, 2017. - 220 с.

41. Воронцов С.А., Понеделков А.В. о слабых звеньях коммуникативной деятельности противодействия коррупции: Учебник для вузов [Текст] / С.А. Воронцов, А.В. Понеделков - Коммуникология. 2018. Т.6. № 1.С. 143-154.

42. Воронцов С.А., Понеделков А.В., Зырянов С.Г. Индикаторы коррупционной деятельности в системе государственной власти и местного самоуправления РФ: [Текст] / С.А. Воронцов, А.В. Понеделков, С.Г. Зырянов - М.: Социум и власть. 2017. № 1 (63). С. 30-37.

43. Кученев А.В. Антикоррупционное просвещение и пропаганда как условие реализации антикоррупционной политики [Электронный ресурс] // Режим доступа: <http://отрасли-права.рф/article/27939> (дата обращения 10.02.2019)

44. Охотский Е.В. Противодействие коррупции: учебник для СПО / под общ.ред. Е.В. Охотского. – 2-е изд., исп. [Текст] / Е.В. Охотский. – М. : Издательство Юрайт, 2017. – 380 с.

46. Качкина Т.Б. Противодействие коррупции через образование [Текст]: методическое пособие / Т.Б. Качкина, А.В. Качкин. - Ульяновск, 2009. -102 с.

47. Шедий М.В. Антикоррупционное образование кадров как факторповышения эффективности государственной политики противодействия коррупции [Текст] / М. В. Шедий // Вестник государственного и муниципального управления. – 2014. № 2–1. С. 286–290.

48. Ахметова Н.А., Гузенко В.Н. Основы антикоррупционного образования в современном учебном процессе // Известия Волгоградского государственного технического университета. Серия «Новые образовательные системы и технологии обучения в вузе». – 2013. – Выпуск 10. – № 13 (116). –С. 16–18.

49. Купцова А.А. Зарубежный опыт противодействия коррупции / А.А. Купцова, Д.Ю. Рютов // Интерактивная наука. 2017. №12. С. 100–102.

50. Сюзева Н.В. К формированию антикоррупционной субкультуры образовательной организации / Н.В. Сюзева // Научный диалог. 2015. № 7(43).С. 75–92.

51. Кабанов П.А. Антикоррупционное просвещение в субъектах Российской Федерации: опыт правового регулирования организации и перспективы развития / П.А. Кабанов // ВВ: Административное право и практика администрирования. 2016. № 4. С. 35–55.

52. Дамм И.А. Антикоррупционные стандарты поведения работников образовательных организаций высшего образования / И.А. Дамм // LexRussica. 2018. №8 (141). С. 113–128.

53. Щедрин Н.В., Дамм И.А., Акунченко Е.А. Актуальные проблемы антикоррупционного просвещения и антикоррупционного образования. Актуальные проблемы экономики и права. 2017. Т. 11. № 3. С. 147-160

54. Романова И.Н. Формирование нетерпимого отношения к коррупции как один из приоритетов современного российского

юридического образования. Вестник Московского университета им. С.Ю. Витте. Серия 2: Юридические науки. 2017. № 3 (12). С. 84-86.

55. Кичева И.В., Бродзели Л.О. Мировой опыт антикоррупционного воспитания. Вестник Пятигорского государственного лингвистического университета. 2016. № 2. С. 212-216.

56. Шорохов В.Е. Антикоррупционное образование государственных и муниципальных служащих. Филологические науки. Вопросы теории и практики. 2016. № 12-2 (66). С. 207-209.

57. Галстян И.Ш. К вопросу об антикоррупционном просвещении как способе повышения правовой культуры и правосознания. Гуманитарные и юридические исследования. 2016. № 4. С. 153-157.

58. Шорохов В.Е. Антикоррупционное образование в рамках реализации государственной антикоррупционной политики. Развитие территорий. 2016. № 3-4 (6). С. 74-78.

59. Russian 1. Anti-Corruption Training2.pdf

60. <https://daryo.uz>

61. <https://podrobno.uz>

62. <https://primorsky.ru>

63. <https://transparency.org.ru>84. <https://anticor.hse.ru>

ИЛОВА

Лойиха

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар амалга оширилди.

Шу билан бирга, давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, ёшлар ва жамиятнинг бошқа вакилларида коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантириш, ушбу иллатга қарши курашишга оид билим ва кўникмаларини ошириб боришнинг узлуксиз тизимини жорий этишни талаб этмоқда.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш бўйича янги тизимни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–240-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб “Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси” (кейинги ўринларда — виртуал платформа) лойихаси жорий этилсин.

2. Виртуал платформанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ёшлар, хусусий сектор ва жамиятнинг бошқа вакилларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

коррупцияга қарши курашиш ва давлат харидларини амалга ошириш функциялари ва вазифалари юклатилган ходимларнинг соҳага доир билимларини ошириш;

давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини баҳолаш, сертификациялаш ва реестрини юритиб бориш;

ёш авлодда ҳалоллик кадриятларини юксалтириш, ёшлар ўртасида коррупциянинг моҳияти ва оқибатлари тўғрисидаги кўникмаларни таъсирчан тарғибот воситалари орқали шакллантириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва илғор хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар бўйича электрон маълумотлар базасини юритиш.

3. Бош прокуратура Академияси томонидан:

БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида “Фарғона водийсидаги ёшлар ижтимоий уйғунлик учун” қўшма дастури доирасида 65.000 АҚШ доллари миқдоридаги гранд маблағларига коррупцияга қарши курашиш ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мавзусида масофавий ўқув курслари ишлаб чиқилиб, масофавий ўқитиш учун сервер ва бошқа зарур воситалар харид қилинганлиги;

Европа Иттифоқининг “Марказий Осиё – ҳуқуқ устуворлиги: очиклик ва иқтисодий жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик (САТАЕС)” дастури доирасида **икки нафар экспертлар** жалб қилиниб, давлат ва хусусий секторда коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини жорий қилиш мавзуларида масофавий ўқув курслари ишлаб чиқиляётганлиги;

БМТ Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг “Коррупцияга қарши таълим ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича Глобал ресурси” ташаббусида иштирок этаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:

Виртуал платформа лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академиясининг “Proacademy.uz” электрон платформасида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Виртуал платформа билан камраб олинадиган контингентнинг ўқитилишини, малака оширишини ташкил этади, мониторингини олиб боради. Бунда Агентлик давлат хизматчиларини Виртуал платформа ўқув курсларида ўқитиш учун Академияга буюртма беради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (кейинги ўринларда – Академия) Виртуал платформанинг ўқув контенти ва материаллари билан мунтазам тўлдирилиши, янгилаб борилиши ҳамда туну-кун фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланади.

5. Виртуал платформа лойиҳаси доирасида аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий (базавий) ва махсус чуқурлаштирилган ўқув курсларида масофавий шаклда ўқитишнинг кўйидагича тизими ташкил этилсин:

умумий (базавий) ўқув курсларида ўқитиш давлат органлари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, корхоналар ва муассасалари **ишга қабул қилинганидан сўнг** (олти ойлик муддат ичида) ҳамда иш фаолияти давомида **ҳар уч йилда камида бир марта;**

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ходимлари, давлат органларининг, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш ва давлат харидларини

амалга ошириш функциялари ва вазифалари юклатилган ходимлари махсус чуқурлаштирилган ўқув курсларида белгиланган **лавозимга тайинланганидан сўнг** (олти ойлик муддат ичида) ҳамда иш фаолияти давомида **ҳар икки йилда камида бир марта;**

хусусий сектор, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва фуқаролар **умумий (базавий)** ёки **махсус чуқурлаштирилган** ўқув курсларида ўз хоҳишига биноан.

6. Виртуал платформада аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш бепул ташкил этилади.

Виртуал платформада ўқув курсларини муваффақиятли тугатганликни тасдиқловчи электрон (QR-кодли) сертификатни олиш ихтиёрий (мазкур қарорнинг бешинчи банди учинчи хатбошида кўрсатилган ходимлар бундан мустасно) бўлиб, бунинг учун тўловни амалга оширган тингловчиларга сертификат берилади.

Виртуал платформада ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги электрон (QR-кодли) сертификат намунаси Агентлик ва Академия томонидан тасдиқланади. Сертификат учун тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида бўлиб, унинг амал қилиш муддати 2 йил этиб белгилансин.

Сертификатлаш ҳисобидан келиб тушадиган маблағлар Виртуал платформанинг узлуксиз ишлаши учун техник таъминоти ҳамда жалб қилинган ходимлар, илмий-педагогик кадрлар ва экспертларни рағбатлантиришга йўналтирилсин.

7. Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг Виртуал платформада коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилишини ташкил этиш юзасидан йиллик режа-графикини ишлаб чиқади, уларнинг ўқитилишини назорат қилади ва мониторингини олиб боради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати, коррупциявий хавф-хатарлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидан тадқиқот

натижаларини инобатга олиб Виртуал платформага янги ўқув модулларини киритиш бўйича кўрсатмалар беради;

Виртуал платформанинг самарали фаолият кўрсатиши учун Академия ва ўқув жараёнига жалб қилинган давлат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Виртуал платформанинг фаолият натижалари бўйича **ҳар ярим йилда бир марта** Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига таклифлар билан бирга ахборот киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тузилмалари ходимларининг Виртуал платформада махсус чуқурлаштирилган ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификатланган ходимлари орасидан тайинланишини назорат қилади;

давлат органлари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш ва давлат харидларини амалга ошириш функциялари ва вазифалари юклатилган ходимлари лавозимга тайинланганидан сўнг ҳамда иш фаолияти давомида ҳар икки йилда камида бир марта Виртуал платформада махсус чуқурлаштирилган ўқув курсларида малака оширганлигини мониторингини олиб боради.

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар билан ишлаш тармоқлари Виртуал платформада ўқиган ходимларнинг рўйхатини Академия билан солиштириб юритсин ва ҳар ярим йил якуни бўйича Агентликка ахборот тақдим этсин.

9. 2023 йил 1 мартдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тузилмалари, давлат органлари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасаларнинг коррупцияга қарши курашиш ва давлат харидларини амалга ошириш функциялари ва вазифалари юклатилган ходимлари Виртуал платформада ўқув курсларини

муваффақиятли тугатган ва сертификатланган ходимлари орасидан тайинлаш тартиби жорий этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги таълим жараёнида Виртуал платформадаги болалар учун мослаштирилган коррупцияга қарши курашиш, ҳалоллик, тўғрилик, конунга ҳурмат, адолат тантанаси мавзуларидаги тарғибот материаллари (фоторасмлар, комикслар) ва мультипликацион фильмлардан фойдаланиш чораларини кўрсин.

11. Виртуал платформа фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Бош прокуратура Академияси ташкилий штат тузилмасида мавжуд Коррупцияга қарши кураши илмий-таълим марказига ички штат тузилмаларини оптималлаштириш ҳисобига 2 та ва қўшимча 2 та бошқарув ходимларидан иборат жами 4 та штат бирлиги ажратилсин.

Бош прокуратура **икки ойлик муддатда** Коррупцияга қарши кураши илмий-таълим марказини ҳуқуқ, педагогика ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида олий маълумотга, зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар билан тўлдирсин.

12. Агентлик Академия билан биргаликда **2022 йилнинг 1 август кунига қадар:**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларни узлуксиз ошириш тартиби тўғрисидаги низом;

Коррупцияга қарши курашиш виртуал платформаси лойиҳасини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Агентлик ва Академияга Виртуал платформани самарали фаолият юритиши учун етакчи ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан хорижий экспертларни жалб қилишга рухсат берилсин.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар Виртуал платформа фаолиятини самарали ташкил этиш, шу жумладан тажрибали мутахассисларни жалб

этиш, ўқув материаллари ва мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш борасида ҳар томонлама кўмаклашсин.

14. “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Агентлик Виртуал платформа фаолиятига жалб этилган ходимларни хорижда малака оширишини ҳамда хорижий экспертлар жалб этилишини таъминласин.

15. Белгилаб қўйилсинки, Виртуал платформа лойиҳасини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Давлат бюджети, Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, миллий ва хорижий грантлар, донорлик ёрдами, Виртуал платформа лойиҳасидан келадиган тушумлар, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги:

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Агентлик ва Академия билан биргаликда **уч ойлик муддатда** Виртуал платформа лойиҳасининг ташкил этилиши учун зарур ахборот-коммуникация технологияларини харид қилиб ўрнатсин, тегишли дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиб, мавжудларини такомиллаштирсин;

Агентлик, Академия билан биргаликда **беш ойлик муддатда** Виртуал платформанинг мобил версияси (Android, IOS)ни ишлаб чиқсин.

17. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Д. Исламов, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Э. Бурханов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. Мирзиёев